

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ЌУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Ќўлёзма ҳуқуқида
УДК: 711:728.03 (575.1)

ТУХТАЕВА ШАХНОЗА МИРФАЗИЛОВНА

**Фарғона водийси шаҳарларининг типологик ривож
(қадимдан ҳозиргача)**

**5A340102 - «Архитектура назарияси ва тарихи,
архитектура ёдгорликларини тиклаш»**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
арх.ф.д. Асқаров Ш.Ж.**

Тошкент-2013

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Фарғона водийси шаҳарларининг ривожланиш жараёни (қадимдан ҳозиргача)	12
1. Қўқон шаҳрининг ривожланиш жараёни	12
2. Андижон шаҳрининг ривожланиш жараёни	22
3. Наманган шаҳрининг ривожланиш жараёни	25
I боб бўйича хулоса	31
II боб. Қўқон шаҳарсозлигининг типологияси	32
1. Қўқон шаҳри муҳитининг типологияси	32
2. Қўқон шаҳридаги меъморий ёдгорликларнинг шаҳар режасида жойлашиши	36
3. Қўқон шаҳридаги турар - жой қурилишлари реконструкцияси қоидалари	39
II боб бўйича хулоса	43
III боб. Қўқон шаҳри бош режасини Андижон ва Наманган бош режалари билан таққослаш	45
1. Шаҳарлар бош режаларини қайтадан тузиш концепцияси	45
2. Андижон ва Наманган реконструкция режалари	53
3. Қўқон шаҳри реконструкция зонаси учун кам қаватли бино қуриш намуналари бўйича таклифлар	63
III боб бўйича хулоса	68
Умумий хулосалар	69
Адабиётлар рўйхати	70
Илова	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Халқимиз учун асрлар давомида орзу қилиб келинган мустақилликнинг қўлга киритилиши буюк тарихий воқеа бўлди. Ёш давлатимизнинг мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш талаблари, уни ижтимоий – сиёсий, тарихий ва маданий жиҳатдан изчил ва барқарор тараққиётини таъминлаш вазифалари, бу жараённинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимизнинг умумий маданияти, меъморий бой меъросини юксалтириш масалаларини ҳал этишни кун тартибига қўйди. Чунки жамият ҳаётида халқ маданий даражасининг юксаклиги, халқимизнинг ўз тарихини чуқур ўрганиши йўлида маънавий камолотнинг аҳамияти бебаҳодир.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов “Бизнинг маданиятимиз – бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолганлиги тасодифий эмас”, - деган эди ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли китобида (Т.: 1997 й., 140-141 бетлар).

Истиқлол туфайли халқимиз миллий ғурурининг камситилишига чек қўйилиб, асрлар давомида тўпланиб, сайқал топган бой маданиятимиз хазиналарини, маънавий, тарихий, меъморий, адабий меъросимиз дурдоналарини тўла ва холисона ўрганишга йўл очилди. Меъморий маданият ҳар бир даврда ўз тарбиявий функциясини бажариш билан жамият маънавий камолотини юксалтиришга хизмат қилган. Бой ва серқирра тарихий, меъморий маданиятимиз имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш табиийки, кўп вақт ва куч-ғайратни, меъморчилик соҳасида фаолият кўрсатаётган барча зиёлилардан фидойилик ҳамда касбга садоқатни талаб этади.

Ҳақиқатдан ҳам мустақилликга эришишимиздан олдин тарихий обидаларимизга эътибор жуда ҳам паст эди. Мана истиқлол даврларига етишганимиздан сўнг авлод-аждодларимиз яратган қадимий, ноёб санъат

асарларини ўрганиш ва уларни келажак авлод учун буст-бутун сақлаш имкониятлари кенгайди. Шу мақсадда турли хил тадбирлар ишлаб чиқилди, кўриқхоналар ташкил этилди. Чунки бу обидалар бизнинг қадимдаги маданиятимизни, санъатимизни, динимизни, қолаверса куч-қудратимизни белгилаб беради. Буюк саркарда Амир Темур бобомиз ўз даврида “Агар бизнинг куч - қудратимизга шубҳанг бўлса, қурган иморатларимизга боқ” деб баралла айтиб кетган эдилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида минглаб шундай обидалар мавжуд бўлиб, уларни кўриш, зиёрат қилиш учун йилига юз минглаб сайёҳлар келиб кетишмоқда.

Жамиятнинг маънавий юксалиши, юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, шунчаки навбатдаги вазифа бўлиб қолмай, ёш давлатимиз маънавий қудратини оширишнинг асосий шартларидан биридир. Ватанимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий, устувор йўналишлари таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислох қилиш, ҳамда ақлий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлашга қаратилган.

Зеро, маънавият ва маърифатни ривожлантирмасдан мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиб бўлмайди. Бу борада инсоннинг маънавий дунёсини, фикр – қарашлар тизимини, руҳиятини ўзгартириш кўп йиллик тинимсиз изланишлар ва меҳнатни талаб этади. Мустақил диёримиз фуқаролари ҳаётини фаровон қилиш қисман меъморлар зиммасида экан, обод келажак пойдевори мустаҳкам бўлиши учун, ўтмишда қурилган меъморий меъросни таъмирлаб асраш эл олдидаги олий бурчдир.

Илмий тадқиқотлар, ўтмиш йиллардаги Ўзбекистон шаҳарларини лойиҳалаштириш амалиёти ва қурилишини таҳлил этиш, тизимлаштириш ва умумлаштириш шунини кўрсатдики, улар бугунги кун шароитлари ва вазифаларига тўғри келмайди, шаҳарсозликни режалаштиришда жиддий янгича ёндашув зарур. Олдинги аёвсиз чекланган ва ҳаддан ташқари майдалашиб кетган ишловлардан фарқли ўлароқ ҳозир шаҳарсозликнинг аҳоли ҳаёти учун қулай шароитлар билан боғлиқ асосий муаммолари ҳал

этилмоқда. Шаҳарларнинг бош режаларида эски шаҳар инфраструктурасини оғишмай ҳал этиш, маданий меросни асраб-авайлаш, боғ-парк санъатини тиклаш ва экологияни яхшилаш билан бир вақтда транспорт муҳандислик ва бошқа халқ хўжалиги тузилмалари каби устувор йўналишларни аниқлаш зарурати юзага келмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви ва миллий тараққиёт йўлига дадил қадамлар билан кириб бориши шаҳарсозликда халқ меъморлик меросидан ўрнатқ олиб, маҳаллий шароитларга мослик, кўркем ва шинамлик, жаҳон андозаларидан қолишмаслик каби қатор жиҳатлар эътибор марказида бўлишини тақозо этади.

Мустақилликка эришилгандан кейин тарихда биринчи мартаба 1995 йилда “Архитектура ва шаҳарсозлик” бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунни амалга ошириш ва бажариш жараёнида кўп соҳавий имкониятлар пайдо бўлди ва шу асосда тарихни, маданий бойликларни, иқлимни, зилзила ва умуман, ҳудудимизга хос бўлган ҳолатларни эътиборга олган ҳолда 148 та миллий-давлат “Қурилиш меъёрлари ва қоидалари” (КМК) ишлаб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг биринчи йилидан ва айниқса, охириги йилларда шаҳарсозлик соҳасига эътибор кучайиб келмоқда. Шаҳарсозлик соҳасига тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони (2000 йил 26 апрел 2595-сонли), Вазирлар Маҳкамасининг “Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида” (2000 йил 27 апрел 165-сонли), “Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типидagi қишлоқлар бош режаларини ишлаб чиқиш ва қуриш тартиби тўғрисидаги Қоидаларни тасдиқлаш ҳақида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида (2000 йил 14 август 320-сонли), “Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун

раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари (2000 йил 23 август 329-сонли) фикримиз далилидир.

Ҳозирги вақтда амал қилинувчи “Архитектура ва шаҳарсозлик” тўғрисидаги қонун шаҳарсозлик соҳасига оид барча масалаларни ва Президент Фармонидаги талабларни камраб ололмайди. Шунинг учун ҳам “Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا (2000 йил 2 июн 2612-сонли) мувофиқ ишлаб чиқилган.

Шаҳарсозлик кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик соҳасини халқаро даражага кўтариш, шунингдек, аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуришга, республика ҳудудларини режалаштиришга нисбатан шаҳарсозлик талабларининг асосий қоидаларини қонуний равишда мустаҳкамлаш заруратидан келиб чиққан. Кодекс лойиҳасини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлилий бошқармаси ва юридик бўлими, “Давархитектқурилиш” қўмитаси ва бошқа тегишли ташкилотлар фаол иштирок этганлар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 августдаги ПК-165 сонли қарори билан тасдиқланган “Дастур” асосида 2005-2009 йилларда 31 та шаҳар аҳоли ҳудудларининг бош режалари ижроси таъминланди.

Шаҳарсозликка тегишли ҳужжат ва қонунларни тузишда ва амалда татбиқ этишда олимлар ҳам ўз илмий изланишлари билан фаол иштирок этмоқдалар. Масалан, Тошкент архитектура-қурилиш институти шаҳарсозлик ва ландшафт архитектурасикафедрасида проф. Д.Латипов бошчилигида республикадаги этук шаҳарсоз мутахассислар (“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ”, “Тошбошплан” ва ҳ.к.) жалб этилган ҳолда “Ўзбекистоннинг янги ижтимоий-иқтисодий шаклланиш шароитида шаҳарсозликнинг ривожланиш концепцияси” ишлаб чиқилди. Бу муҳим дастур 2001 йил сентябр ойида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги республика архитектура ва шаҳарсозлик нуфузли кенгашидасдиқланганлиги қувонарли ҳақиқатдир.

Концепциянинг асосий йўналиши - шаҳар ва қишлоқларимиз ривожини комплекс равишда илмий асосда янги ижтимоий-иқтисодий шаклланиш даврида жаҳон андозалари даражасида лойиҳалаш ва қуриш, ҳалқимизнинг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, шаҳарларимиз истиқболи бош лойиҳаларини қайта тузиш ва таъмирлаш каби долзарб муаммоларни ечиш йўлларини кўрсатишдир.

“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” институти Наманган, Қўқон, Термиз ва бошқа шаҳарлар муфассал режасининг бош режа ва лойиҳаларининг мутлақо янги талаб ва шароитларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқди. Яна ПДП билан биргаликда Исломобод туман марказини қайта тиклаш бош режаси, Тўрақўрғон (Наманган вилояти), Асака, Пойтуғ ва Марҳамат (Андижон вилояти), Гиждувон ва Когон(Бухоро вилояти), Булунғур ва Ургут (Самарқанд вилояти), Нукус, Қўнғирот ва Беруний (Қорақалпоғистон Республикаси) шаҳарлари бош режалари ва туман режаларининг қатор тарҳи ишлаб чиқилди. Қувонч билан таъкидлаш жоизки, санаб ўтилган ишларнинг кўпчилиги дадил амалга оширилмоқда. Яна шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ институтнинг ижодий жамоаси бошқа ташкилотлардан қатор мутахассисларни жалб этиб, “Ўзбекистон республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириб чиқишнинг бош режаси”ни ишлаб чиқмоқда, у шаҳарсозликни лойиҳалаштиришнинг барча кейинги босқичлари учун асосий ҳужжат бўлиб қолади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.Ўзбекистон меъморчилигининг антик даврдан XX а. гача бўлган тарихига озмунча мақола ва тадқиқотлар бағишланмаган. Айниқса, Г.Пугаченкова, Л.Ремпель, Б.Засипкин, Л.Воронин, В.Нильсен, М.Булатов, П.Зоҳидов, Л.Маньковская,

И.Ноткин, М.Аҳмедов, Д.Нозилов, А.Ўролов, И.Азимов, М.Юсупованинг илмий ишлари мақтовга сазовордир.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини ўз ичига олган Ўрта Осиё XIX аср иккинчи ярмида мустамлака сифатида Туркистон генерал-губернаторлиги бўлиб, чор Россияси таркибига киритилган эди.

XX аср Ўзбекистон меъморчилигининг чор империяси собиқ ўлкасида тикланиши, турмушининг барча соҳаларида содир бўлган чуқур ўзгаришларива тарихий эврилишлар, силжишлар асносида содир бўлди. Бу каттиқ меҳнат ва кураш йиллари эди ва улар янги давр меъморчилиги тикланиши ва ривожланишига бевосита ва жиддий таъсир кўрсатди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинishi билан ривожланишдан тўхтаб қолган Ўзбекистон меъморчилиги бошқатдан жорий этилган европа меъморчилиги билан бир қаторда яшай бошлади, ўзбек халқи ҳаёти ва унинг меъморчилигида янги боб бошланди.

Шаҳарлар, бинолар ва иншоотларнинг таҳлилига, мустамлака давр меъморчилигининг етук меъморлари ижодига бағишланган махсус тадқиқотлар мавжуд. Булар Г. Чабров, В.Воронина, К.Бабиевский ва Т.Қодирова, Ш.Асқаров, А.Зиёев ва бошқаларнинг илмий ишларидир.

В.Нильсеннинг “Ўзбекистон замонавий шаҳарсозлиги сарчашмалари (XIX–XX а. боши)” китоби ғоят жиддий тадқиқотлардан бири бўлиб, унда бутун минтақа шаҳарларининг мазкур ривожланиши даври далилий ашёлар ва адабий манбалар асосида ёритиб берилади.

Ушбу давр бўйича М.Юсупованинг “XIX аср охири – XX аср бошида Ўзбекистон меъморчилигидаги ярим асрлик ўзгариш (XIX аср охири – XX аср боши Фарғона водийсининг “янги шаҳарлари” мисолида”) номли янги тадқиқотининг пайдо бўлиши (2005 й.) диққатга сазовор. Рисола муаллифи кўплаб архив ашёлари асосида XIX аср охири – XX аср боши Фарғона водийсининг олти шаҳри янги қисмларининг шаҳарсозлик санъати ва меъморчилиги таҳлил этилади. Шаҳарларнинг режавий тарҳлари

кўринишидаги сувратлар, турар-жой ва жамоат бинолари режалари, аслиятдан олинган рангли фотосувратлар ва бошқалар кишида қизиқиш уйғотади.

Мустамлака давр меъморчилигини англаш зарур, чунки бу шундай далилий асос ва меъморий тағзаминки, у Ўзбекистоннинг замонавий шаҳарлари қиёфасида чуқур из қолдирган.

Замонавий босқичда шаҳарлар ва уларнинг марказларини қайта тиклашда меъморчилик ривожланишининг умумий тенденциялари бевосита аҳамият касб этади.

Рус муҳандис ва меъмор фуқаролари Скобелев (ҳозирда Фарғона), Когон каби янги шаҳарларни ёки Тошкент, Самарқанд, Андижон каби тарихий шаҳарларнинг янги қисмларини лойиҳалаштирганлар ва барпо этганлар. Тарихий шаҳарларнинг лойиҳалари изчил режалаштириш тамойилларига асосланган, тўғри, обод кўчалар, шаҳар боғ ва хиёбонлари бунёд этилган, ариқлар тармоқлари ўтказилган, йўлларга тош тўшалган. Бу шаҳарларнинг радиал-ҳалқа режаси марказида одатда жамоатчилик майдони жойлашган. Шаҳарни ободонлаштиришда ҳам сезиларли тараққиёт кузатилган.

И.Азимовнинг“Архитектурные памятники Ферганской долины” китобида Фарғона водийсидаги барча сақланиб қолинган тарихий ёдгорликлари тўғрисида баён этилган.

Т.Ф. Қадированинг “Пути архитектурного возрождения Узбекистана за ХХ-начала ХХІ вв. (традиции и современность)” 2007 йил нашр қилинган бу китобида барча Ўзбекистондаги шаҳарларнинг бунёд бўлишидан бошлаб ҳозиргача бўлган шаҳарсозлиги, тарихи ҳақида маълумотлар берилган.

Т.Ф.Қадированинг“O‘zbekiston istiqlol yillari me‘morligi”2010 йилда нашр қилинган ўқув қўлланмада Ўзбекистон шаҳарларининг мустақиллик йилларидан кейин ривожланган меъморлиги тўғрисида баён этилган

В.А.Нильсеннинг“У истоков современного градостроительства Узбекистана (XIX – начало XX вв.)” 1988 йил Ташкентда нашри қилинган бую китобида Ўзбекистоннинг шаҳарсозлиги, шу жумладан Фарғона водийси шаҳарларининг типологик ривожига тўғрисида баён қилинган.

А.С.Ўролов, И.М.Саидовларнинг“Ўрта Осиё меъморий ёдгорликлари-Ватанимиз тарихини ўрганишнинг моддий манбалари” номли китобида Ватанимизнинг бизгача етиб келган ёдгорликлари хақида маълумотлар топиш мумкин.

Магистрлик диссертацияси ишининг мақсади.Тадқиқот ишидан мақсад – архитектура доктори И.И.Ноткин ишлаб чиққан “Қўқон шаҳрининг бош режасини лойиҳалаштиришдан олдин ўрганиш” услуби назарияси ёрдамида Андижон ва Наманган бош режаларида қўллаш, яъни шаҳарсозлик назариясига асосланиб (ободонлаштириш, транспорт, турар-жой, марказ ва ҳ.к.) атрофдагиларга қулай шарт-шароит яратишга тақлифлар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация ишининг бош мақсадидан келиб чиқиб, қуйидагилар диссертациянинг вазифалари сифатида белгиланди:

- Қўқон шаҳри ривожланиш жараёнини ўрганиб чиқиш;
- Андижон шаҳри ривожланиш жараёнини ўрганиб чиқиш;
- Наманган шаҳри ривожланиш жараёнини ўрганиб чиқиш;
- Қўқон шаҳри муҳитининг типологиясини таҳлил қилиш;
- Қўқон шаҳридаги меъморий ёдгорликларнинг шаҳар режасида жойлашиши ёритиб бериш;
- Қўқон шаҳридаги турар-жой қурилишлари реконструкцияси қоидаларини таҳлил қилиш;
- Шаҳарлар бош режаларини қайтадан тузиш концепциясини ишлаб чиқиш;

-Андижон ва Наманган бош режалари реконструкцияга таклифлар ишлаб чиқиш;

-Қўқон шаҳри реконструкция зонаси учун кам қаватли бино қуриш намуналари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: Фарғона водийси шаҳарларининг типологик ривожини (қадимдан ҳозиргача). Қўқон, Андижон ва Наманган мисолида.

Тадқиқот предмети: И.И.Ноткиннинг типологик усули ва уни Фарғона водийси шаҳарларини лойиҳалаштиришда қўллаш.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотлар натижалари ҳам назарий, ҳам амалий маънода ўз аксини топган, таҳлил ва умумлаштириш асосида замонавий шаҳарсозлик ва меъморчиликнинг алоҳида муаммоларини ишлаб чиқиш, шунингдек лойиҳалаш методларидир.

Тадқиқотнинг методологик ва назарий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қарор ва меъёрий ҳужжатлари, ватанимиз ҳамда хорижий олимларнинг илмий ишлари, шунингдек, шаҳарсозликка оид бошқа адабиётлар хизмат қилади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар. Фарғона водийси шаҳарларининг типологик ривожланишини таҳлил қилиш ва шу йўналишда ҳали қўлланилмаган тажрибаларни ишлаб чиққан ҳолда, ушбу усулдан фойдаланиш таклифини бериш.

Диссертацияда умумлаштирилган назарий хулосалар ва амалий тавсиялар шаҳарсозлик типологиясининг таҳлили билан боғлиқ бўлган муаммоларни чуқур ўрганишга асосланган бўлиб, улардан келажакда амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

І БОБ. ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИ(ҚАДИМДАН ҲОЗИРГАЧА)

1.1. Воҳа шаҳарларининг ривожланиш жараёни

Мустақилликга эришганимиздан сўнг тарихий ёдгорликларимиз, маданий меъросимизни муҳофаза қилиш, уларни таъмирлаш ва замонавий мақсадларда фойдаланиш юзасидан салмоқли ишлар қилиниб келинмоқда. XX асрнинг 70-йилларида Ўзбекистонда 10 та қадимий шаҳарлар рўйхати тузилган эди ва бу шаҳарларда арслар давомида ривожланиб келган тарихий марказларни сақлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Қадимий тарихий шаҳарлар рўйхатида Фарғона водийси шаҳарларидан Қўқон шаҳри ҳам бор эди (7-ад, 3-б.).

Фарғона водийси шаҳарларида жойлашган архитектура ёдгорликлари унча серҳашам бўлмаганлиги, шунингдек ҳозиргача нисбатан кам ўрганилганлиги барчага маълум. Шу сабабли тарихий шаҳарларда жойлашган ёдгорликларга тўхталиб ўтамыз.

Воҳада қадимдан йирик манзилгоҳлар вужудга келган. Шундай манзилгоҳлардан эрамизгача бўлган 11-1 минг йилликларда мустаҳкам қалъалар қурилган(7-ад, 7-б.). Қалъалар бошқа шаҳарларда бўлгани каби мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Таниқли олим И.Азимовнинг фикрича ва қатор археологик қазилмалар натижасига кўра, эрамизгача VI-IV асрларда Фарғонада уч хилдаги аҳоли манзилгоҳлари кенг расм бўлган.Ички ва ташқи томондан деворлар билан ўралган қалъабанд йирик мустаҳкам шаҳарлар водий аҳолисининг сиёсий ва маданий марказлари ҳисобланган. Шундай шаҳарлардан бири Фарғонанинг қадимги пойтахти Эрши шаҳридир(7-ад, 8-б.). Бу вақтда унча катта бўлмаган шаҳарлар бир-бирига ёндош қилиб тикланган. Бир неча қатор деворлар қад кўтариб турган йирик майдонни ҳосил қилган. Деворлар оралиғидаги

жойларда шаҳар аҳолиси истекомат қилган. Йирик турар-жойлар ҳам қалин ва баланд деворлар билан ўралган.

Маълумки, эрамизгача III аср ўрталарида Ўрта Осиёда икки Парфия ва Грек-Бактрия номли мустақил давлатлар юзага келди. Катта Фарғона каналининг қазилиши мобайнида уч жойдан Бактрия шоҳи юнон Гелиокл тасвири туширилган тангани эслатувчи мис танга топилган. Бу эса Фарғона водийсининг Бактрия билан алоқа қилганлигидан далолат беради.

Фарғона водийси ҳудуди бўйича эрамизгача II-I асрларда юзага келган воқеаларни тасвирловчи жуда кам маълумотлар бизгача етиб келган. Грек-Бактрия давлатининг таназулга юз тутишидан кейин Ўрта Осиё ҳудудида бир неча янгича давлатлар ташкил топди. Шундай давлатлардан бирининг номи Давон-Фарғона деб аталган. Ўша вақтлар солномасида шундай деб ёзилган эди: “Давоннинг аҳолиси 60 минг оила, 300 минг жондан иборатдир, камон тортиш санъатини эгаллаган 60 минг отлик қўшинга эга. Водийда 70 дан ортиқ шаҳар жойлашган” (7-ад, 9-б.).

Қадимги ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, эрамизнинг дастлабки асрларида манзилгоҳлар сони кўпайган ва тез суръатлар билан ўсиб борган. Археологлар Фарғона водийсининг турли қисмларида мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган манзилгоҳларни топиб ўрганганлар. Улардан Мунчоктепа, Муғқалъа, Тешиктепа, Каламуштепа ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Қадимги манзилгоҳларга хос бўлган бундай ҳол водийнинг ўрта аср шаҳарлари (Ўзган, Ахсикат, Ҳаққулобод ва бошқа)да ҳам кўзга ташланади. Бу вақтда турар-уйлар ораларида қалъалар, ҳовли-жойлар ва июодатхоналар жойлашган. Эрамизнинг бошларида ижтимоий ҳаётдаги силжишларга туртки бўлган жиҳатлардан бири – бу суғориш ишларининг ривожланиб боришидир.

Эрамизнинг VI-VII асрларида манзилгоҳлар қиёфаси ҳам бир мунча ўзгарди. Яъни гир атрофи қалъабанд деворлар билан ўралган бир неча дарвозали истеҳкомлар қуриш кенг тус ола бошлади. Манзилгоҳларда

хукмдорнинг кўрғони – арк, унга туташ турар-жой ва савдо-хунармандчилик расталаридан иборат шаҳар – шахристон қад кўтариб турган. Бу даврда иқтисодий марказ бўлмиш Ахсикат ҳарбий-сиёсий марказ – Косон билан бемалол рақобатлаша олган. Фарғона водийсида жами юзга яқин аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, бу ерда марказ шаҳарлар олтигадан ошмаган. Марказ шаҳарлар сирасига Косон, Андугон, Ахсикат, Ўзган, Кува ва бошқа йирик шаҳарлар кирган (7-ад, 10-11-бетлар).

Кува ҳам тараққий этган шаҳарлардан ҳисобланиб, археологлар бу ердан турар-жой бинолари ҳамда VI-VII асрларга оид будда ибодатхоналари харобаларини топганлар. Тупроқ остидан тангалар, ханжарлар, заргарлик буюмлари, уй-рўзғор юмушлари учун зарур бўлган темир, бронза ва сопол буюмлар чиққан. Ёдгорлик тарҳини чизган меъмор тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик намуналаридан шу қадар унумли фойдалан олганки, буни шу ердан топилган қадимий ҳайкалтарошлик ҳамда деворий тасвир қолдиқлари яққол кўрсатиб турибди. Бу Фарғона водийсида ўша вақтлардаёқ бадиий маданият юксак даражада бўлганлигидан далолат беради.

Фарғона водийсидаги қадимият қолдиқлари бўлган жуда кўп тепаликлар бағрида VI-VIII аср илк феодализм даврига даврига оид обидалар ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди.

IX-Ҳасрларда Фарғона воҳаси Сомонийлар давлати таркибига кирган. Бухоро – бу давлатнинг пойтахти ҳисобланган. Бу давр хунармандчилик ва бинокорлик соҳасида юксалиш даври бўлган. Шаҳарларда савдо-сотик марказлари – рабодлар вужудга келган. Ахсикат шаҳрида бундай иншоотларнинг атрофи баланд деворлар билан ўраб олинган эди. Тарихчи Ал-Мақдисийнинг ёзишича: “Фарғонада жоме масжидига эга қирқта кент мавжуд бўлиб, улар ўзининг катталиги билан ажралиб турган” (7-ад, 12-б.). Бу каби иншоотлар албатта араблар истелоси таъсирида бунёд этилган. Шунингдек бу даврда ўрта аср Фарғона шаҳарлари водийнинг текислик

кисмида вужудга келган бўлиб, қадимий Шарқ савдо йўли айнан шу водийни кесиб ўтиб, у Жанубий Фарғона орқали Қувадан Чустга, сўнгра Ўшга, ундан кейин Қуршаб, Ўзган ва Қашқарга олиб борган.

Фарғона водийсида Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидан фарқли ўларок аҳоли зич яшаганлиги боис савдо карвони йўлларида алоҳида карвонсаройлар қуришнинг ҳожати бўлмаган.

XI-XII асрларда Ўзган Фарғона водийсининг пойтахти сифатида ўз мавқеини янада мустаҳкамлади. Ўша даврга мансуб архитектура обидалари ва тарихий маълумотлар бунинг яққол далилидир. Ўзган мажмуасида жойлашган 1152 ва 1187 йилларда бунёд этилган мақбаралар, шунингдек XI аср минораси ва Сафед Булен қишлоғидаги Шоҳ Фозил мақбараси шулар жумласидандир.

XIII асрдаги мўғуллар босқинидан сўнг Фарғона водийси ҳам бошқа жойларда бўлгани каби кўп асрларга чўзилган чуқур сиёсий инқирозга юз тутди. Водийда қурилиш ишлари олиб борилмади, бошланганлари тўхтаб қолди.

Кейинчалик XIV асрда буюк соҳибқирон Амир Темур Фарғона водийсини ўз салтанатига қўшиб олди ва бу ерларда маданий ҳаёт яна жонлана бошлади. 1494-1504 йилларда бу воҳага ҳукмронлик қилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома”сида водийдаги шаҳару кентларни таърифлаб ўтади. Бу ёзмалардан бизда ўша даврдаги шаҳар қалъалари, қасрлари, шаҳар ташқарисидаги боғлар ва гузарлар, мавзелар ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Шунингдек, йирик шаҳарлар ичида Андижон, Ўш, Марғилон, Исфара, Хўжанд ва Конибодом шаҳарларининг машҳурлигини келтириб ўтган.

Ўрта Осиёда Шайбонийлар салтанати қарор топгач (XVI аср) ўз давлатига Фарғона водийсини ҳам қўшиб олади. Фарғона Шайбонийлар давлатининг чекка ҳудудларидан бири бўлишига қарамай, унинг бунёдкорлик санъати асло сўнмаган. Лекин бу даврда Фарғона

меъморчилигида мухташам бинолар куриш бир мунча сусайди. Уларнинг безаклари ҳам содалашди. Меъморлар кўпроқ биноларнинг тузилишига, маҳобатли кўринишига, айниқса тепасининг гумбазли бўлишига эътибор бериб, бунинг учун хом ашё ва жиҳозлардан моҳирлик билан фойдаланганлар. Қўқон яқинида сақланиб қолган Бўстонбува, Биби Бувайда, Подшо Пирим мақбаралари шу даврга мансубдир.

Шайбонийлар ҳукмронлиги 1710 йилда тугатилгач, Фарғона водийсида Қўқон хонлиги вужудга келди. XVIII асрда Фарғона, Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида бўлгани каби ижтимоий инқирозга учради. Фақатгина XIX асрнинг бошларига келибгина аҳвол яхшилана бошлади. Бу вақтда Қўқон хонлари шаҳар ва қалъаларни бирмунча мустаҳкамладилар, деҳқонлар, хунармандлар ва косиблар, савдогарлар муқим бошпанага – истеҳкомга эга бўла бошладилар. 1800-1809 йилларда ҳукмронлик қилган Олимхон парчаланиб кетган мамлакатни ягона давлатга бирлаштиришга интилиб, Фарғона ҳокимиятига Тошкент ва Чимкент вилоятларини ҳам қўшиб олади. Шундан сўнг Қўқон хонлари пойтахтда ва бошқа шаҳарларда йирик ва серхашам иншоотлар куришни авж олдирадилар. Қўқондаги хон Ўрдаси, Андижон, Наманган, Шаҳрихондаги бир қатор ёдгорликлар шулар жумласидандир. Шунингдек бу даврда шаҳарларда кўплаб турар-жой бинолари, безакдор масжидлар, мухташам иншоотлар барпо этилди.

XIX арнинг 60-йилларида Россия Ўрта Осиёни, 1876 йилда Фарғона водийси худудларини ўзига тўла қарам қилиб олди. Бу пайтгача Қўқон бошқа қадимий шаҳарлар каби ўзининг тарихий қиёфасини сақлаб келган эди. Яъни шаҳар маркази Чорсу бўлиб, у ердан чор атрофга кўчалар тарқалган ва улар орасида ҳовли-жойлари тиғиз бўлган маҳаллалар жойлашган эди. Шаҳар ташқарисида узумзорлар, боғ-роғлар мавжуд бўлган. Кўпчилик шаҳарлар даҳаларга бўлинган эди. Қўқон ва Андижонда 4 тадан даҳа бўлиб, ҳар бир даҳа ўзининг маъмурий қисмига эга бўлган. Шаҳарларда ҳар бир маҳалланинг ўз масжиди бўлган. Бу ерларда ўзига хос услубда бунёд этилган

кўпгина масжидлар сақланиб қолган. Уларнинг шифти ғоят нафис ва ғаройиб нақшлар билан безатилган. Наманган вилоятидаги Сирли, Шаҳрихондаги Пансод, Қўқондаги Жоме масжидлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Фарғона водийси ўзининг бозорлари билан ҳам шуҳрат қозонган. Қўқон бозори катталиги ва савдо-сотик кўлами жиҳатидан Ўрта Осиёда Бухоро бозоридан кейин иккинчи ўринда турган. Бой савдогарлар бу вақтга келиб хашаматли уй-жойлар кура бошлашган. Шу тариқа унча баланд бўлмаган синчли гувала, синчли ёки пахса уйлар ўрнида пишиқ ғиштдан қурилган, кўпинча икки қаватли, тунука томли, ташқи кўриниши хашаматли, деразалари ойнаванд, европача усулдаги кубба зулфинли эшиклари бор данғиллама бинолар қад кўтара бошлади. Бу иморатлар лойиҳаси асосан рус меъморлари томонидан лойиҳаланган. Улар қаторига Г.М.Сваричевский, И.А.Маркевич, В.С.Гейнцельман ва бошқаларни киритиш мумкин(7-ад, 15-б.).Шу тариқа шаҳарларнинг асосан савдогарлар аҳли истекомат қиладиган марказий қисми қиёфаси ўзгара борган. Қўқоннинг йирик сармоядорлари қурдирган ва ҳозиргача яхши сақланиб келаётган иморатлари диққатга сазовордир. Бу иморатларга қуйида алоҳида тўхталиб ўтамыз.

Фарғона водийсида кўпгина кўҳна, қадимий шаҳар билан туташ, ёнма-ён қилиб қурилган янги типдаги шаҳарлар ҳам бунёд этилган. Наманган, Андижон ва бошқа шаҳарларнинг 1877 йилдан қурила бошланган янги шаҳар қисмлари бунга мисолдир. Янги шаҳарлар Ўрта Осиё шаҳарсозлигида нисбатан янги усул ҳисобланган радиал-ҳалқасимон кўринишда, олдиндан ишлаб чиқилган режа асосида барпо этилган эди. Шунингдек М.Д.Скобелев буйруғига биноан Марғилондан саккиз чақирим узоқликда, жануб томонда Янги Марғилон номли янги шаҳарга асос солинган эди.

Маҳаллий саноат тараққий этиб бориши билан Фарғона водийсидаги шаҳарларда савдо ва саноат корхоналари ҳам бунёд этила бошлади. Шу тариқа илгари ҳарбий-маъмурий марказ бўлган жойлар эндиликда аҳолиси

савдо-саноат корхоналарида хизмат қилувчи гавжум маҳаллалардан иборат шаҳарларга айлана борди(7-ад, 17-б.).

Фарғона водийсининг турли қисмларида бир қанча меъморчилик обидалар мавжуд бўлиб, қуйида уларга қисқачатўхталиб ўтамиз.

Вилоятнинг Қўқон, Бувайда, Риштон, Олтиариқ, Марғилон ва бошқа шаҳар ёки туманларида тарихий архитектура ёдгорликлари сақланиб қолган.

Бувайда туманида ҳозиргача сақланиб қолган Шоҳ Жалил, Бўстонбува ва Биби Бувайда мақбаралари эътиборга молик. Водийдаги яна бир машҳур мажмуалардан бири **ПодшоПирир мажмуасидир**. Мажмуа XV-XX асрларга мансуб ёдгорликлардан иборат. Комплекс ўзагини Фарғона водийсида ислом динини тарғиб қилган Шоҳ Жалил қабри ташкил этади. Икки ҳовлига эга мажмуа XV асрда қурилган пештоқли-гумбазли дарвозахона ҳамда унинг ён томонига XX асрда қурилган очиқ масжиддан ва кўп қиррали ҳовлидаги XV-XVI асрларга оид қабр ва даҳмалардан иборат. Масжид тарҳи тўртбурчакга эга хонақоҳдан иборат бўлиб, унинг уч томонига айвон туташган. Айвон шифтларини 44 та устун кўтариб туради.

18x8 метр ўлчамга эга мақбара биноси шимол-жануб ўқи бўйлаб чўзилган. Кириш қисми алоҳида пештоқ тариқасида ажратилмаган. Зиёратхона тарҳи чортоқли (5,2x5,2 м) бўлиб, девор сатҳига чуқур равоқли тоқчалар ишланган. Гўрхона тарҳи 4,3x4,3 м ўлчамга эга.

Бўстонбува мақбараси. XV-XVI асрларга мансуб деб тахмин қилинади. Мақбаранинг маҳобатли пештоқи ва унинг икки ёнидаги гулдасталари шарқ томонга қаратиб қурилган. Бино ўлчамлари 15x7,2 м га тенг бўлиб, пишиқ гиштдан гумбазли қилиб қурилган икки хонадан: меҳробли даҳма ва масжиддан иборат. Зиёратхона тарҳи чортоқ шаклига, гўрхона эса тўғри бурчак шаклига эга. Мақбара деярли безаксиз. Фақатгина пештоқда кўп қиррали юлдуз ва айланалардан иборат ўймакор безак сақланган.

Биби Бувайда мақбараси аёллар даҳмаси бўлиб, унга Шоҳ Жалилнинг онаси ва хотини қўйилган. Композицион жиҳатдан ёдгорлик яхлит

архитектурани ташкил этади. Тарҳи тўртбурчак шаклидаги обида (18x18,5 м), тепаси гумбазли икки хонадан иборат. Кириш пештоқ билан ажратилган. Ёдгорлик безаклари оддий бўлиб, пештоқда равоқ парчалари сақланиб қолган. Кириш эшиклариди юза ўйма геометрик нақшлар ишланган. Бинонинг ички деворлари ганч билан сувалган.

Фарғонанинг **Риштон тумани** ҳам ўзининг архитектуравий ёдгорликлари билан ажралиб туради. Бу ерда ҳам масжид ва мадрасалар сақланиб қолган. Шундай масжидлардан бири **Жаҳонобод**дир. У 1912 йилда маҳаллий бой Мадалибобо буюртмаси билан Исабой ҳожи раҳбарлигида қурилган. Масжид тўртбурчак тарҳли (15,2x15,6 м), икки устунли хонақоҳ ва айвондан иборат. Айвоннинг ғарбий девори марказида меҳроб ишланган. Шунингдек айвон деворлари бўлақларга бўлиниб, манзарали нақш-гуллар, шипи муқарнасли ҳовзак билан безатилган. Масжид 1989 йилга келиб қайта таъмирланган.

XX асрнинг бошларида Шоқир мингбоши буюртмасига асосан **Хўжа Илғор масжиди**ни уста Эшонхон ва Норбойлар бунёд этишган. Масжиднинг шарқий томонида ҳовуз қазилган. Уч устунли қишки хонанинг уч томонига айвон қилинган. Пешайвон ва хонақоҳ ғарбий деворига равоқли меҳроблар ишланган. Хона шифти беагага ҳам алоҳида эътибор берилган. Серҳашам ислимий нақшлар жилоси хонани янада бойитади. Бу масжид Фарғонадаги кўп устунли, очиқ айвонли биноларга хос кўринишдадир.

Қорихона хонақоҳи Хўжа Илғор масжидидан жануброқда жойлашаган. Маҳаллий аҳолининг фикрига кўра бино 300 йил олдин бунёд этилган. 20x24 м ҳовлига икки томондан хужралар қурилган. Улар туташган жойда мурабба шаклидаги гумбазли хона мавжуд. Унинг шимолий қисми пештоқ билан ажратилган. Хужралар ярим доира эшик ва дарча билан ҳовли томонга қаратиб тенг томонли тарҳда (3x3 м) қурилган. Хужралар тош ўчоқларда ўтин ёқиш орқали иситилган. Хужра бурчакларида ярим равоқли куббалар чиқарилган.

Ўрта Осиё меъморчилигида тоқу равоқли бинолар қурилишларида илгари бир қадар оддий материал – хом ғишт ишлатиш расм бўлган. Риштондаги хонақоҳда ҳам шундай услубни кўришимиз мумкин. Фарғона водийсида сақланиб қолган ягона хонақоҳ – бу Қорихонадир. Ёдгорликнинг меъморий ечими, қурилиш материаллари ва услуби унинг - XVII-XVIII асрларда қурилганлигидан далолат беради (7-ад, 41-б.)

Олтиариқ туманида ҳам XX аср бошларида қурилган **Халфа Тилло мажмуаси** эътиборга молик. Ҳовли атрофида жамланган мажмуанинг биринчи шимолий қисмида ҳовузли боғ ва масжид жойлашган, ўртада Халфа Тилло даҳмаси жойлашган қабристон мавжуд. Мажмуанинг энг қадимий қисми ҳисобланмиш Халфа Тилло ҳазираси XIX аср охирида қурилган. Даҳмага монументал равоқли пештоқ орқали кирилади. Кириш пештоқининг икки ёнидаги гулдаста буржлари тепаси қафаса билан яқунланган. Пештоқ шакли ва безак усуллари Фарғона водийси меъморий анъаналарига мос.

Мажмуа тармоқларидан яна бири Алихон эшон буюртмасига асосан қурилган **Дўсти худо масжиди**дир. Обида XX асрга тааллуқли. Масжид Кўқонлик машхур уста Ёқуб раҳбарлигида қурилган. Мурабба тарҳли (22,5x22,5 м) масжиднинг устунли хонаси Г-симон шаклли икки томонлама айвонга эга. Устунлар ўймакор тарзда ишланган. Улар курсига ва муқарнасли бошага эга. Шифтларга кўк заминда ислимий нақшлар ишланган. Тўсинларда қизил ранг алоҳида аҳамиятга эга.

Масжиддан шимолий ҳовлига кириладиган дарвозахона тузилиши ҳам ўзига хос. Бу тўсинли, нақшиндор ёғоч устунли шийпонни эслатади. Дарвозахона шифти ҳам масжидники сингари бой тарзда нақшланган. Мажмуада мақбаранинг тарҳ ечим – усти ёпиқ устунлар билан майдонни ўзига хос қамраб олиши Фарғона водийсида илк маротаба учрайди.

Марғилон шаҳри. Бу шаҳар ҳам воҳанинг энг қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланади. Марғилон ўн икки мустаҳкам қалъабанд дарвозага эга пахса девор билан ўраб олинган эди. Шаҳарнинг бош кўчалари

дарвозалардан бошланиб, марказдаги ҳоким саройи – Ўрда ва бозорга олиб борган. Шаҳар тузилишига кўра, унинг марказий қисмида турар-жой бинолари жуда зич жойлашган ва уларнинг атрофида чорбоғлар бўлган. Бундай уйлар шаҳар ташқарисидида ҳам мавжуд бўлган.

Марғилон шаҳрида ҳам бир неча тарихий ёдгорликлар сақланиб қолган. Улардан бири XVIII асрнинг ўрталарида қурилган **Пир Сиддиқ мажмуасидир**. Даврлар ўтиши билан унинг атрофида масжид, минора, мақбарали ҳовли, дарвозахона ҳамда каптархонадан иборат бўлган архитектура мажмуаси пайдо бўлган. Мажмуага пештоқ ва гумбазли дарвозахонага орқали кирилади. Шарқий қисмда кўча томонга қараган айвонли масжид ва минора қад кўтарган. Ҳовлининг ичкарасида шимолга қаратиб мақбара қурилган. Унга Пир Сиддиқ дафн этилган.

Пир Сиддиқ мақбараси бир хонали пештоқли. Тўғри тўртбурчакли тарҳга эга. Хонанинг текис шифтини тўртта ёғоч устун кўтариб туради, улардан бири ўйма нақшлар билан безатилган. Мақбара Фарғона воҳасидаги бир хонали мақбаралар сингари дастлаб гумбаз конструкциясида ёпилган. Пештоқ безатилган, унинг ён томонларидаги бурчак устунлари пештоқдан анча баланд қилинган. Улар ганчкор гириҳ нақшлари билан безатилган. Обидаги кираверишда қурилиш ҳижрий 1155 йил (1742 йил)да амалга оширилганлиги ёзилган.

XVIII асрнинг биринчи ярмида қурилган бир хонали **Хўжа Мағиз мақбараси** ҳам маҳаллий меъморлик мактабининг ўзига хос намунаси ҳисобланади. Обида 6,4х7,4 метр ўлчамга эга бўлиб, шарқ томондаги пештоқ билан ягона яхлитликни ҳосил қилган. Мақбара пишиқ ғиштдан қурилган. Бино гумбази диаметри 4,4 метрга эга. Хонанинг ички томони саккиз бурчакли, меҳробий тоқчали бино ташқи томонидан тўғри бурчак билан уйғунлаштирилган. Бу ҳолат Ўрта Осиё меъморчилигида жуда кам учрайди.

Бу шаҳардаги яна бир масжид **Чақар** номи билан машҳур. У харобага айланган масжид ўрнида қайтадан бунёд этилган. Обиданинг фақатгина

айвон қисми сақланиб қолган. Ўз вақтида бу қисм шарқ томонга қараган уч томони ёпиқ, тўсинли ва устунли айвоннинг бир қисмигина бўлган. Қишки хонақоҳ ва хўжалик хоналари бузилиб кетган. Айвон тўсинларидан бирида ёдгорлик қурилган сана – ҳижрий 1329 йил (1911 йил) ва хўжандлик усталар Тўхтабек ва Мирбобо Ҳожи исмлари ёзиб қолдирилган.

Саид Аҳмадхўжа мадрасаси. Обида XIX асрнинг охирига тааллуқли. Мурабба шаклидаги (35,2x35,2 м) ҳовлининг шимолий-ғарбий бурчагида бир томонлама айвон билан симметрик масжид қад кўтарган. Унинг атрофига томи “балхи” гумбазли қилиб ёпилганхужралар қурилган. Ёдгорлик пишиқ ғиштдан бунёд этилган. Масжиднинг айвон ва зал шифтларига сидирға гуллар солинган, безаклари ва услублари турлича бўлган бундай обида Фарғона водийсида жуда кам учрайди.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона водийси шаҳарларининг генезиси узок ўтмишга бориб тақалади. Бу ердаги шаҳарлар қулай географик жойлашув, мўътадил иқлим, бой урф-одат ва бошқа жиҳатлар таъсирида босқичма-босқич ривожланиб келган.

1.2. Андижон шаҳрининг ривожланиш жараёни

Андижоннинг **Шаҳрихон шаҳри**да XIX асрда бунёд этилган бир нечта маҳалла масжидлари ва мадрасалари сақланиб қолган.

Шаҳар марказида жойлашган **Пансод масжиди** ўзининг ноёб безаклари билан алоҳида аҳамиятга эга. Бино XX асрнинг бошларига мансуб. Ёдгорлик хонақоҳ ва жануб томондан қурилган бир томони узун айвондан иборат. Масжиднинг ғарбий деворига ярим доира шаклида меҳроблар ишланган. Айвон устунлари, шифти ва деворлари серҳашам тарзда безатилган. Айниқса, шифтлардаги юлдузсимон турунжлар, ислимий нақшлар алоҳида ажралиб туради. Тўсинларнинг жимжимадор ҳошияларига ислимий нақшлар

ишланган. Обида ташқи томондан одми кўринсада, ички безакларга бой тарзда ишланган.

Гумбаз мадрасаси 1872 йилда бунёд этилган. Унинг қурилиши маҳаллий бойлардан ҳисобланмиш Абдулҳамидхожи номи билан боғлиқ. Қурилишга Буваназар ўғли Қурамбой раҳбарлик қилган. Мадраса чортоқ тарҳли, икки қаватли хужралар, масжид ҳамда дарсхона ва атрофи ўралган кичик ҳовлидан иборат бўлган. Ҳозир бош тарзидаги пештоқ гумбазли бино ва икки қаватли хужралар сақланган. Хона ичлари, пештоғи безакдор, панжарали равоқлар тизмаси билан безатилган, ганч сувоқ қилинган. Айвон шифти ҳовузакли қилиб ишланган. Равоқли токчаларга араб ёзувлари ва гулдор нақшлар туширилган, эшикларга ҳам қўштарҳли ўймакор гулли нақшлар битилган.

Андижон шаҳрида XIX асрларга мансуб ёдгорликлар сақланиб қолган. Шундай ёдгорликларидан бири мадраса, масжид ва минорадан иборат бўлган **Жоме мажмуасидир**. Мажмуа 1,5 га яқин майдонга эга.

XIX асрнинг охирларида бунёд этилган **Жоме мадрасаси** ўзининг йирик ҳажмга эгаллиги билан ажралиб туради. Обида симметрик ҳажмли композицияга эга. Бош тарзи шарққа қараган. Узун тарз марказида пештоқ кад кўтариб турибди. У учли токча, равоқли узун йўлакча ва безакдор икки минорага эга. Бурчакларида гумбаз билан ёпилган дарсхоналар, уларнинг ўртасида эса икки қаватдан иборат хужралар жойлашган. Бино тарҳи П-симон шаклида бўлиб, унинг шимолий ва жанубий қаторлари сақланмаган. Фарғона водийси амалий санъатининг ноёб намунаси - пештоқ-гумбазли дарвозахона ёғоч эшикларига ишланган бадиий ўймакорлик – уч заминли чуқур ислимий ва гириҳ нақшли ҳошиялар диққатга сазовор. Пештоқ ва гумбаз кўк, мовий рангдаги кошинлар билан қопланган.

Мажмуадаги Фарғона водийсининг энг йирик ёдгорликларидан яна бири **Жоме масжидидир**. Бу обида мажмуанинг ғарбий қисмида жойлашган. Масжид тарҳи хонақоҳ ва уч томонлама кўп устунли, гулдор шифтли

айвондан ташкил топган симметрик композицияга эга. 32 метр баландликга эга **минора** ҳам шу мажмуага киради. Минора саккиз қиррали асосда пишиқ ғиштдан қурилган, унинг ҳар бир қирраси меҳробий токчага эга бўлиб, ёзма нақшли турунжлар билан безатилган. Минора ичида айланма зина мавжуд. У равоқли гумбаз мезаналари билан яқунланади. Бугунги кунда мадраса биноси тўлиқ таъмирланган.

1905-1907 йилда қурилган **Аҳмадбекхожи уйи** меъморий ечими ҳам ўзига хосдир. Тарҳда П-симон шаклга эга бино жанубга қаратиб қурилган. Уйнинг икки қаватли ғарбий қисми уй эгасининг идораси вазифасини ўтаган, қолган қисми савдогар хонадонининг турар-жойибўлган. Ҳовли бўйлаб ёғоч устун-тўсинли конструкцияга эга айвонлар қурилган. Уйнинг барча дарвоза, эшик ва деразалари одатдагидай ҳовлига қаратилган. Идора вазифасини бажарган қисм европача усулда безатилган. Бинони бунёд этишда маҳаллий усталардан – уста Тошлон, уста Исахон ва тошкентлик уста Яҳёлар иштирок этишган.

Пахтабод шаҳрида жойлашган **Отақўзи марасаси** ҳам XX аср бошида қурилган бўлиб, уни бунёд этишда фарғоналик усталардан Қирғизбой ва Мамажонлар раҳбарлик қилишган. Обида ҳовлили ва номутаносиб композицияга эга. Мадраса тарҳи кўп бурчакли бўлиб, пештоқ-гумбазли дарвозахона, масжид-айвон, икки қават қилиб қурилган ҳужралар, гумбазли дарсхона ва минорадан иборат. Бино пишиқ ғиштдан қурилган ва безатилган. Ёдгорликда меъморчиликдаги ўзига хослик шундан иборатки, тик кўтарилган шакллар бешта салобатли безакдор миноралар билан қисмларга бўлинади, девор текислигидан ажралиб, шарафа устидан кўриниб туради. Бу орқали тарзнинг кўриниши ва кўркемлиги таъминланган. Минора шакллари водийнинг бошқа шаҳарларидаги ёдгорликлар минораларига ўхшаш. Бино ташқариси ҳам ичкараси ҳам сувалмаган. Масжид шифти гул солиб безатилган.

Мадраса архитектураси худди ўша йилларда қурилган шунга ўхшаш биноларга ўхшаш. Обида қурилишида хоразмча типик муқарнас карниз ва П-симон шаклдаги кунгира ишлатилган. 1971-1975 йилларда мадраса таъмирланиб ўлкашунослик музейи жойлаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда Андижон шаҳри ҳам ўзининг тарихий ёдгорликлари билан ажралиб туради. Улар шаҳар структурасини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этган. XX асрга келиб эса янги рус шаҳарларининг пайдо бўлиши билан кенг ва ободонлаштирилган кўчалар бунёд этилиб, унинг икки тарафида классик услубидаги бинолар қурилиши авж олган. Яъни рус шаҳарлари барча инженерлик тармоқлари ва қулай шарт-шароитлар билан таъминланган эди.

1.3. Наманган шаҳрининг ривожланиш жараёни

Наманганда ҳам XX асрга тааллуқли жуда кўплаб тарихий-маданий ёдгорликлар сақланиб қолган. Улардан асосийларига тўхталиб ўтсак.

Шаҳарнинг марказий қисмида бунёд этилган **Мулло Қирғиз мадрасаси** тарҳда беш қиррали бўлиб, хужралар билан ўраб олинган. Масжид ва дарсхона бир-бирига туташ қилиб қурилган ва улар гумбазлар билан ёпилган. Мадрасага кириш йирик пештоқдан амалга оширилади. Пештоқ ён томонларига икки қаватли хужралар туташган. Ҳовлида минора жойлашган. Мадраса пештоқини безашда кўк, яшил, сариқ, оқ рангли кошинлардан фойдаланилган. Обида пишиқ ғиштдан бунёд этилган.

Яна бир тарихий бинолардан бири XX аср бошига мансуб **Ота Валихонтўра масжиди**дир. У Мулла Қирғиз мадрасаси билан бир кўчада жойлашган. Тўғри тўртбурчак тарҳли (27x19,6 м), композицион жиҳатдан гумбазли симметрик кўринишда. Кириш бошқа кўпчилик биноларда бўлгани каби пештоқ билан ажратилган. Масжид тузилишига назар ташласак,

Ўртадаги катта хона диаметри 13,9 метрли қобирғали гумбаз билан ёпилган. Ёдгорликда ғишторлик бинонинг сирти ва ичида шундай мутаносиб олиб борилганки, бу ўз навбатида иморатнинг яхлитлигини таъминлайди. Марказий хонадаги кошинкор мовий тасма уни янада кўркамлаштирган. Кириш дарвозалари чуқур ўйма юлдузсимон ҳамда ислимий нақшлар билан безатилган.

Наманган вилоятида меъмориал архитектура ёдгорликларидан икки мажмуа: XIX аср бошида қурилган Мавлонбува ва XVIII асрга оид Хўжа Амин қабри сақланиб қолган.

Мавлонбува мажмуасида пештоқ-гумбазли зиёратхона мавжуд бўлиб, унинг дарчасидан оддий сағана кўриниб туради. 7x7 метр ўлчамга эга мураббатарҳли зиёратхонанинг пештоғи жануб томонга қаратиб қурилган. Пештоқнинг икки ёнига икки минора бирикиб туради. Унинг тепасида анъанавий мезаналар ўрнига уч табақали конус ишланган. Бош тарзда меҳробий ва тўғри бурчакли токчалар ишланган. Пештоқ юқорисига терилган тоқилар безак вазифасини ўтайди. Ён ва орқа тарз текис бўлиб, ғиштлар сувоқсиз қолдирилган. Ёдгорликнинг қачон қурилганлигини англатувчи сана, яъни 1221 йил (1806 йил) деган ёзув кириш пештоқида сақланиб қолган. Обиданинг ички ғарбий деворида меҳроб жойлашган. Интерьер ганч сувоқ қилинган. Изоралар гулли гулдон ва гириҳ нақшлар билан безатилган.

XVIII аср меъмориал архитектура ёдгорликларидан бири **Хўжа Амин мақбараси**дир. Обида пештоқ-гумбазли. Унинг тўрт томонга қараб кенгайиб борган зиёратхонаси қабрдан жануброқда жойлашган. Кейинчалик масжид-айвон, хонақоҳ ва мадрасадан ташкил топган архитектура мажмуаси вужудга келган, лекин улар ҳозиргача яхши сақланиб қолмаган. 12,5x9 метр ўлчамга эга зиёратхона биноси пишиқ ғиштдан қурилган, юлдузсимон пойгумбазга таянган гумбаз билан қопланган. Бурчакдаги асосий конструкциялар муқарнаслар билан тўлдирилган.

Обида бош тарзини безатишда ўйма сопол қўлланилган, бу эса XII-XIV асрлардаги безак усулидан фойдаланилганини кўрсатади. Пештоқнинг меҳробий равоғи П-симон кунгиралар билан ўралган. Унда ислимий ва геометрик нақшлар ишланган энсиз ва кенг чизиқлар ўзаро ўрин алмашиб туради. Пештоқдаги гириҳ нақшларда йирик гулли беш япроқли турунжлар ажралиб туради. Тоқилар яшил кошинлар билан пардозланган тош устунларга ўрнатилган. Пештоқ бурчакларига айланасимон миноралар ишланган.

Қолган тарзлар безакдан ҳоли. Ёдгорликнинг интерьерини пештоқ сингари безакларга бой. Икки бўртма эпиграфик белбоғ рангли заминдаги сидирға-ўйма нақш чамани билан қопланган девор четларини ажратиб туради. Гумбаз нақшинкор қобирғалар билан саккиз қисмга бўлинган. Уларнинг ҳар бирига думалоқ сатҳканослар ишланган.

Обиданинг кириш эшиги тепасида уни қурган уста Муҳаммад Иброҳим номи ёзиб қолдирилган.

Наманган туманида жойлашган ёдгорликлардан бири **Сирли масжид**дир. Обида XIX асрнинг охирларида бунёд этилган. “Сирли” – сирланган, ҳалланган деган маънони беради. Масжид олдида мурабба шаклдаги ҳовуз бўлган. Ёдгорлик тарҳига назар ташласак, икки устунли хонақоҳ ва сатҳи ундан анча катта бўлган икки томонлама айвондан иборат. Бош тарзда етти тўсинли шарқ томонга қараган пешайвон қурилган. Фарбий деворда, хона ва айвонда меҳроблар ишланган. Хонақоҳ безатилмаган, лекин унинг шифти серҳашам, нозик ранго-ранг гулли нақшлар билан безатилган. Айвоннинг ёғоч устунлари муқарнасли қошлар ва безакли пойустунлар билан безатилган.

Юсупбой ҳожи уйи XX аср бошларида бунёд этилган. Икки ҳовлили, хом ғиштдан ёғоч синчли конструкцияга эга. Кенг ҳовли ўртасида ҳовуз бўлган. Ҳовузнинг шимолий қисмида жанубга қаратиб П-симон бино қурилган. Фақатгина учта зал яхши ҳолатда сақланган. Заллардан бири

алоҳида, қолган иккитаси ўзаро даҳлиз орқали боғланган. Уйнинг ичи безакларга бой. Девор ва шифтларга табиат манзаралари, натюрморт ва ислимий нақшлар туширилган.

Наманганнинг **Косонсой** туманида ҳам диний ва меъмориал ёдгорликларни учратиш мумкин. Шундай бинолардан бири Фарғона водийсида ягона намозгоҳ услубида қурилган **Жоме масжиди**дир. Масжид атрофи девор билан ўраб олинган тўғри бурчакли майдонга қурилган. Унга жанубий томондаги пештоқ-минорали дарвозахона орқали қирилган. Ҳовлининг ғарбий қисмида 28,6x10,8 метр ўлчамдаги равоқли масжид жойлашган. Ундаги нақшинкор эшикдан ҳовлига ўтиш мумкин. Масжиднинг узунлиги 6,8 м бўлган, ташқи поғонали гумбази бурчакларидан чиқарилган равоқли куббаларга қўндирилган. Бир-бирини кесиб ўтувчи тўртта равоқ гумбазидан ташкил топган конструктив ячейкалар ён қанотларга асос бўлиб хизмат қилади. Равоқларнинг ўзи эса деворлардан бўртиб чиққан ғишт устунларга таянади. Ёдгорликда икки хил ранг кўпроқ қўлланилган: сиртдан терилган ғиштларнинг ёқимтой наввот ранги ва ичкарида ганчнинг оқ ранги. Дарвозахона безакларига ҳам катта эътибор берилган. Пештоқнинг юқори қисми равоқ катори билан бойитилган. Бурчак миноралари карниз ва шаклдор конуссимон унсурлар билан яқунланган (7-ад, 64-б.).

Яна бир улуғвор ва меъморий-бадий сифатга эга бўлган ёдгорликлардан бири **Юсуфхон эшон мажмуаси**дир. Мажмуа XVIII асрда бунёд этилган. Панжара билан ўралган қабр, ҳовлига ғарб томондан тақаб қурилган пештоқ-гумбазли зиёратхона (6,8x5 м)дан иборат. Мажмуа атрофи яшил боғларга эга. Зиёратхонага кираверишда икки ёнига баландлиги 10 метрдан кўпроқ келадиган айлана минора – гулдаста ишланган ҳашаматли пештоқ қад кўтарган. Пештоқдан мурабба тарҳли зиёратхонага ўтилади. Зиёратхона гумбаз билан ёпилган бўлиб, у йигирма қиррали пойгумбазга ўрнатилган. Бундай шаклдаги пойгумбаз Ўрта Осиёдаги илк ёдгорликларда ҳам, сўнгги давр ёдгорликларида ҳам учрайдики, бу анъана ва конструктив

усулларнинг сақланиб келаётганлигидан далолатдир. Зиёратхона бурчакларида юқорига қараб ўсиб борувчи тўққиз қаватли муқарнаслар гумбазларга тутшиб кетади.

Пештоққа ҳам алоҳида эътибор берилган. Зиёратхонанинг меъморий-бадий тузилиши Марғилондаги бир хонали Пир Сиддиқ мақбарасини эслатади. Ҳажмлар тузилиши, пештоқнинг тўғри бурчакли токчаларга ажратилганлиги ва уларнинг ганчга ўйма шакллар ҳосил қилиб безатилганлиги жиҳатидан ҳам ҳар иккала ёдгорликда ўзаро ўхшашлик бор. Аммо Марғилондаги мақбарада кўк-оқ нақшлардан фойдаланилган бўлса, мазкур ҳолда безакда оч мовий ва қизил ранглар ишлатилган. Эшиклар ўйма нақшлар билан безатилган. Одми рангдаги гирих ва ислимий нақшлар сомон сувоқнинг новвотранг ранги билан уйғунлашиб, меъморий ёдгорликни ғоятда шиnam кўрсатади.

Тўрақўрғон туманидаги Ғойибназар мадрасаси XIX аср охирида бунёд этилган. Бу мутаносиб бино ёпиқ тўғри бурчакли, атрофида хужралари бўлган ҳовлидан иборат. Шарқ томондаги хужралар икки қаватли. Қобирғали гумбазлар билан ёпилган бурчак хоналаридан дарсхона сифатида фойдаланилган. Бош тарзнинг меъморий ечимида анъанавий оддий шаклдаги равоқли пештоқ қўлланилган. Бино бурчаклари катта миноралар билан мустаҳкамланган, миноралар сиртини ғиштин нақшлар безаб турган.

Обидадан ҳозир замонавий мақсадларда фойдаланилмоқда. Бино таъмирлангандан сўнг ҳовли усти ёпилган ва бу ерда ҳозир туман маданият уйи жойлашган.

Чуст шаҳрида амалий санъат билан биргаликда меъморчилик ҳам анча ривожланган. Бу ерда XX аср бошларида қурилган **Лутфулло Мавлоно мажмуаси** сақланиб қолган. Бир томондан устунли айвонга эга масжиднинг 28x7,2 метрли ёзги қисми сақланган. Етти ёғочли айвонга уч қатор ёғоч устунлар ўрнатилган. Марказий равоқлар бир оз кўтарилиб кайвон ҳосил қилинган. Устунлар қиррали. Ёғоч шифтга солинган гул-нақшлар жуда

бежирим ва хилма-хил, шифт бутунлай нақш билан қопланган. Нақшларда асосан кўк, яшил ва қизил ранглар кўпроқ қўлланилган. Масжиднинг жанубий-шарқий қисмида баландлиги 13 метрга тенг бўлган минора мавжуд бўлган. Бу ёдгорлик ҳам бугунги кунда замонавий мақсадларда фойдаланилмоқда.

Чодак туманида шу номли **мадрасамажмуасига** кирувчи **масжид** сақланиб қолган. Масжид тўғрибурчакли тарҳда (37x11,2 м) бўлиб, кўндаланг ёйилган композициядан иборат. Унинг устунли хонаси уч томондан айвон билан ўралган. Хом ғишдан ишланган қўш сингли обиданинг пойдевори тошдан ишланган. Масжид устун-тўсинли конструкцияда ёпилган. Обида безаклари ўзига хос услубда ишланган. Турли кўринишдаги устунлар, ганчдан ўймакорлик билан деворга ишланган нақшли лавҳалар, арақи сарров, хона ва айвоннинг гул солинган шифти катта бадий қийматга эга.

XIX асрда Ҳожи Юсуфнинг қабри устига **Бой Ҳамадоний мақбараси** қурилган. У икки хонали бўлиб, тепалик устига қурилган. Асосий кириш қисмига улкан пештоқ ишланган ва у шарққа қараган. Пештоқ ортида тўғри бурчакли тарҳда гўрхона жойлашган бўлиб, жануб томондан иккита катта дераза очилган. Умумий кўриниш жануб томонга қараган паст айвондан иборат зиёратхона билан яқунланади. Киришда ганчга ўймакорлик билан ишланган гириҳ нақшлар, пештоқда икки қатор юзароқ меҳробий равоқлар мақбаранинг оддийгина безакларини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, Наманган шаҳри ҳам ўзининг тарихий ривожланиш тенденциясига эга. Шаҳар XIX аср охири – XX аср бошларида анчагина ривож топди. Бунга сабаб темир йўлнинг йўлга қўйилиши бўлди. Темир йўл орқали арзон қурилиш материаллари бу ерга келтирилди ва жуда кўплаб қурилишлар олиб борилди. Текис ва кенг кўчалар ўтказилди. Шаҳар ободонлаштирилди.

I боб бўйича хулоса.

Фарғона водийси шаҳарларининг ривожланиш жараёнини ўрганиш давомида қуйидаги хулосалар келиб чиқди:

- Фарғона водийси шаҳарлари йирик архитектура ёдгорликларига эга бўлмаса ҳам уларнингўзига хос маданий-тарихий ва эстетик қийматга эга эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур;

- Водий шаҳарлари даврдан-даврга ўтиш билан шаҳарсозлик нуқтаи назаридан такомиллашиб борган;

- Рус босқинидан сўнг кўпгина бошқа йирик, Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар каби Фарғона водийси шаҳарлари ҳам “икки структура”ли кўринишга эга бўла бошлаган. Яъни улар “эски” ва “янги” қисмларга ажрала бошлаган;

- XIX аср охирида темир йўл қурилиши натижасида шаҳарларда ривожланиш жонлана борган. Арзон қурилиш материаллари келтирилиши натижасида бу ерларда қурилиш янада авж олган;

- XX асрда сифатли қурилиш материалларидан европа услубда савдо дўконлари, меҳмонхоналар, турар-уйлар ва шунга ўхшаш кўплаб бинолар қад кўтарган;

- Собиқ совет тузуми даврида “янги” шаҳар қисмларига эътибор катта бўлган. Лекин “эски” шаҳарларга эътибор жуда ҳам паст бўлган. Рус шаҳарлари барча инженерлик тармоқлари билан таъминланган ва кўпгина қурилишлар айнан шу ҳудудда олиб борилган.

II БОБ. ҚЎҚОН ШАҲАРСОЗЛИГИНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ

2.1. Қўқон шаҳри муҳитининг типологияси

Фарғона вилоятининг яна бир шаҳри Қўқон тарихий муҳитда ўз қиёфасига эга, уни уч йўналишда қараб чиқиш мумкин: шаҳарсозлик мероси, меъморий мерос – меъморлик ёдгорлик ва турар-жой соҳасидаги мерос.

Шаҳарсозлик мероси – Қўқоннинг энг қадимги қисми Регистон майдони бўлиб, у XIX ва XX асрлардаги меъморий, диний, савдо-сотикқа оид иншоотларни бирлаштириб туради. У ўзининг эски номини сақлаб қолган Чорсу чорраҳасида жойлашган. Маълумки, тарихчилар ва сайёҳлар айтганидек, айнан мана шу жойдан шаҳар бошланади, шарқ-ғарб – шимол-жануб асосий савдо йўллари шу чорраҳага келиб туташади. Қўқонсой ва Оқтепасой сув оқимлари ҳамда йўлларнинг радиал (шуъласимон) тузилиши ҳисобга олиниб, мана шу тугун атрофида Қўқон уйлари гавжумлашиб бораверади.

Қўқон шаҳрининг ривожланиш тенденцияси 7 босқичдан иборат. Улар қуйидагилардан иборат:

1. 1850-1880 йиллар – сўнгги феодал шаҳарсозлик маданияти;
2. XIX аср охири-1917 йиллар – тартибли шаҳарсозлик услубларининг киритилиши;
3. 1917-1939 йиллар – революциядан сўнг шаҳарларнинг қайтадан тикланиши, янги қурилишларнинг нисбатан кам қурилиши;
4. 1939-1966 йиллар – тарихий шаҳарларда алоҳида биноларнинг режали қурилиши;
5. 1966-1971 йиллар – янги кўчаларнинг пайдо бўлиши, янги микрорайонларнинг пайдо бўлиши;

6. 1971-1986 йиллар – тарихий марказларда қайта тиклаш ишларининг бошланиши, шаҳарлар атрофидан кўчалар ўтказиб, уларга бутунлик бериш;

7. Мустақиллик даври – тарихий шаҳарларнинг миллийлик мафкураси асосида қайтадан тикланиши.

Сўнгги ўрта асрлар Қўқонида қуйидаги муҳим томонларни ажратиб кўрсатиш мумкин: турар уйлар қурилиши, шаҳар ва қишлоқ миқёсидаги даҳалар, қалъа дарвозалари ва мудофаа деворларининг сақланиб қолган қисми ва бошқалар. 1939 йилга мансуб шаҳар топосёмкасига назар солсак, унда қурилиш ва аҳоли зичлиги ҳам кўрсатилган. Унга кўра 1 гектар жойга 100 кишидан кам аҳоли жойлаштирилмаган.

Барча босқичлар ўзининг янги қурилишлари билан ажралиб турган.

Шаҳарнинг ривожланиш динамикаси шуни кўрсатадики, биринчи босқичда марказдан ташқарига интилиш кучига эга бўлган, яъни шаҳарнинг ғарбга ва қисман жануби-шарқий йўналишга қараб ривожланганлиги; Иккинчи босқичда, жануби-ғарбий йўналишга қараб ривожланиш.

1876 йилда Қўқоннинг Россияга қўшиб олинishi ҳарбий гарнизон қурилиши ва қатор кўчалар солинишида ўз изини қолдирди. 1888 йилда хон боғи шаҳар боғига айлантирилди, Қўқонсой устига янги кўприклар қурилди.

Меъморий мерос – меъморий ёдгорликлар ҳозирда мавжуд, 1870 йилда қурилган Худоёрхон ўрдасини қамраб олади.

Сарой атрофида Қўқонсой қирғоқлари бўйлаб Самарқанд, Низомий ва бошқа кўчалар ёқалаб Қўқон жамиятининг олий табақаси вакиллари ҳозирги вақтгача сақланиб қолган.

Регистон билан бирга Норбўтабий мақбараси ва мадрасаси, Даҳмай Шоҳон, Маъдалихон мақбаралари, Катта қабристон, Умархон Ўрдаси, Маъдалихон ва Камол Қози мадрасаси, Жоме масжиди ва бугунги кунда ҳам барча фахрланадиган аждодларимизнинг истеъдод ва маҳоратини ўзида

мужассам этган бошқа ёдгорликлар шаҳарни шаҳар қилувчи асосий тармоқлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг янги ижтимоий-иқтисодий шартлари, унинг маданиятига халқаро қизиқишнинг ортиб бориши қуйидагиларни тақоза этади:

Меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш, қайта тиклаш ва улардан фойдаланиш бўйича илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқиш; бунинг учун Ўрта Осиёда ягона таъмирлаш УзНИИПИ илмий-тадқиқот институтининг давлат томонидан қўллаб-қавватланиши зарур (ҳозирда “Таъмиршунослик” МЧЖ).

Мутахассис таъмирчиларни тайёрлаш ва ўрта таълимдан бошлаб таъмир бўйича фанларни ўқитиш муаммоси.

Меъморий-шаҳарсозлик меросга ва маҳалла ижтимоий тузилмаси билан бирга шаҳарнинг барча қадриятларига нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш. Бунинг учун шаҳар бош режасини тузиш ва қайта ишлаш чоғида махсус боб очиш зарур.

Меъморчилик ёдгорликлари ва тарихий мажмуалар ҳудудларини кўкаламзорлаштириш, сув чиқариш ва ободорнлаштириш амалиётига асосли ёндошиш.

Меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш ва улардан фойдаланиш муаммосига меъморлар жамоатчилигининг доимий эътибори – Ўзбекистон меъморлар уюшмасининг чет эллик ташкилотларни жалб этиб анжуманлар ўтказиш амалда бўлгани каби (Самарқанд, 2005 й; Қўқон, 2006 й.).

Ўзбек меъморчилиги тараққиётининг бундан кейинги йўналиши – иқтисодиёт, техника ва санъат, меъморий асар мазмуни ва шаклининг ягоналигида, замонавий ва халқ анъанавий меъморчилиги бирлигидадир.

Келажак минтақамизнинг маҳаллий табиий-иқлимий, демографик хусусиятларини, кенг маънодаги меъморий шакл ҳосил қилиш анъаналарини ҳисобга олувчи замонавий, янги меъморчилик қўлида. Биз минтақавий

шаҳарсозлик яратиш йўлида турибмиз, у Ўзбекистон тарихий шаҳарсозлик маданиятининг ўз умуминсоний қадриятлари туфайли шаҳарларимиз қиёфаси ва мазмунини бойитишга қодир унсурларини ўзига сингдириб олади.

Ўтган XX аср мобайнида Ўзбекистон меъморчилиги тадқиқоти гўзал келажакнинг энг янги меъморчилигига баланддан туриб қарашга ундайди. Республикада меъморчиликни тезкор ривожлантириш учун эндиликда катта илмий-техник, иқтисодий ва ижодий куч ва имкониятларга эгамиз. Тараққиётнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган суръат ва миқёсларининг мазкур ажойиб жараёнида ҳар қандай меъморий камчилик яратилаётган меъморий асарнинг бадиий сифатига улкан зарар етказиши мумкин. Зеро капитал қурилиш натижаси сифатида меъморчилик йиғиб келганда миллий даромад – халқ бойлигининг энг катта қисмидан фойдаланади ва халқ учун абадий қоладиган бисот яратади. Шу боис меъморчилик ишида меъмордан давлат арбоби фикридан туриб мутлақо ўйлаб-жўйлаб, ижодий ва бунёдкорона ёндошишни талаб қилади.

Чинакам меъморчилик яратиш учун сиёсий донолик ва узоқни кўрабилишлик керак. Мустақил Ўзбекистон сўнгги қисқа муддатичидаёқ меъморчиликни ривожлантиришда катта сакраш қилди. Замонавийликнинг барча муҳим меъморий ташаббусларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ижодий хоҳиш – иродаси кўриниб туради, у “мақсадимиз – буюк келажак қуриш!” – дея ҳаётбахш шиорни кўтариб чиқди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Қўқон шаҳри Фарғона водийси шаҳарлари орасида ўзининг тарихийлиги билан ажралиб туради.

Шаҳар дастлаб Ўзбекистоннинг бошқа йирик тарихий шаҳарлар каби радиал-ҳалқасимон кўринишда ривожланган. Марказий ядрога хон саройи жойлашган. XX аср бошларида шаҳарнинг ғарбий қисмидан жанубдан шимолга қараб йўналган темир йўлнинг барпо этилиши натижасида

иқтисодий ўсиш юзага келган. Темир йўл атрофида саноат зонаси ривожлантирилган.

2.2. Қўқон шаҳридаги меъморий ёдгорликларнинг шаҳар режасида жойлашиши

X асрдан Қўқон шаҳри турли номлар билан танилиб келинган бўлсада, унинг энг равнақ топган даври XVIII асрда бўлган. Айнан шу даврда шаҳар Қўқон хонлиги пойтахтига айланади. Қўқон қадимги қиёфасини сақлаб қолган шаҳарлардан бири бўлиб, янги ва эски шаҳар қисмларига бўлинади. Эски шаҳар қисмида хон саройи ҳисобланмиш Ўрда, масжидлар, мадрасалар ва XIX аср ва XX аср бошида бунёд этилган меъмориал бинолар сақланиб қолган. Янги шаҳар қисмида эса XIX асрда кўплаб савдо корхоналари, маъмурий бинолар, банклар ва саноатчиларнинг ҳашаматли уйлари қурилган.

Ўрда – Худоёрхон саройи шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойларидан ҳисобланиб, у XIX асрнинг иккинчи ярмида баланд тепаликда барпо этилган. Обида меъмор ва муҳандис Мир Убайдулло лойиҳаси ва раҳбарлигида қурилган. Сарой 4 гектарга яқин тўғри бурчакли майдонни эгаллайди ва кўп ҳовлили композицияга эга. Бош дарвоза шарқ томонга қараган бўлиб, унга кенг йўлка орқали борилади. Кириш дарвозаси тепасига араб имлосида йирик ҳарфлар билан “Арки олий Саид Муҳаммад Худоёрхон” деб ёзиб қўйилган. (7-ад, 21-б.).

Сарой олдида занжирбанд дарвозалар қурилган алоҳида майдон бўлиб, уни боғлар ва ҳарбий аслаҳахоналар қуршаб турган. Майдон баланд ва мустаҳкам деворлар билан ўралган. Тўғри тўртбурчак шакл (65x138 м)ли мураккаб тарҳга эга бўлган сарой дастлаб хон қароргоҳи, кейинчалик сарой аҳли яшайдиган юзга яқин хона, заллар ҳамда бир неча ҳовли қурилган. Саройнинг 1-ярмида атрофи айвондан иборат ҳовли бўлиб, унда қабул учун кўринишхона, хазинахона, алоҳида сахли масжид жойлашган. Марказида

саломхона, хон қароргоҳи, хўжалик бинолари бунёд этилган. Саройнинг 2-ярмини ҳовли саҳнлари билан ўзаро боғлиқ бўлган ҳарамхоналар эгаллаган. Бош тарзи, дарвозахона ва тантана заллари ҳашамдор ишланган, қолган биноларнинг пардоз ишлари одми ҳолда қолдирилган. Шарқий тарзи ўртасида ҳашаматли пештоқ қурилган. Пештоғи ва тарзининг икки бурчагидаги юқори қисмига мезанали гулдасталар ишланган. Ҳозирги кунгача саройнинг шарқидаги дарвозахона, унинг икки ёнидаги хоналар сақланиб қолган. Асосий қурилиш материали пишиқ ғишт ҳисобланган.

Сарой безаклари ҳам ўзига хос. Айвон ҳавозаси қатор ёғоч ўймакор муқарнас ва шарсимон кўзачали устунлар билан ишланган. Ташқи залларнинг ички қисмлари гулдор ва ранг-баранг кошинлар ҳамда ўйма ганч нақшлар билан безатилган. Шифтларга гул солинган. Баъзи хоналар пол саҳнларига арча паркет терилган.

Қўқон жоме масжиди. Масжид қурилиши 1809-1822 йилларда бу ерда ҳукмронлик қилган Умархон номи билан боғлиқ. Масжиднинг тарҳи (97,5x25,5 м) симметрик, кўндаланг ўқлар бўйича ривожлантирилган бўлиб, улкан хонақоҳ ҳамда 98 та ёғоч устун қўйиб ишланган уч томонли кенг айвондан иборат. Бош тарз шарқ томонга қараган. Айвон шифти тўсинлари ислимий ва гириҳ нақшлар билан, деворлар ганчқори безак билан, изоралари “часпак” услубида безатилган. Устунлар ўйма нақшлар билан безатилган, курсиси мрамрдан ишланган. Масжид ёнидаги минора конус шаклида бўлиб, баландлиги 22 метрдан ортиқ. Минора тепаси олти қиррали қафасатуйнук ва кубба билан тугалланган. Юқорига айланма зиналар орқали чиқилган. Миноранинг маҳобатли кўриниши безаксиз.

Мулкобод масжиди. Маҳалла масжиди 1913 йилда қурилган. Хонақоҳ ва айвондан иборат. Тарҳи тўғри тўртбурчакли масжиднинг томи текис ёпилган. Баланд ташқи айвон, бино раҳидаги маҳорат билан ишланган нақшлар уни атрофидаги бинолардан алоҳида ажратиб туради.

Камол Қози мадрасаси. Ёдгорлик XIX аср ўрталарига мансуб бўлиб, унда дарсхона, кичик хужралар ва айвонли масжид бўлган. Ҳовлили ассимметрик композицияга эга. Дарвозахона вазифасини ўтаган кошинкор пештоқ, бурчаклардаги айланасимон миноралар ва улар устига ишланган гумбазли мезана ўзига хос. Пештоқ ортидаги икки қаватли дарсхонанинг томи тўрт қиррали гумбаз билан ёпилган. Мурабба шаклидаги ҳовли (20x20м) атрофида хужралар, масжид ва айвон жойлашган. Масжид пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, ўша даврдаги кўпгина жамоат бинолари каби сувоқсиз қолдирилган. Бино ҳозирги кунда меҳмонхона вазифасида фойдаланиб келинмоқда (7-ад, 26-б.).

Миён Ҳазрат мадрасаси. XVIII асрнинг охирида Қўқон шаҳрининг жануб томонида бунёд этилган. Мадраса тарҳига кўра мураккаб уч ҳовлили комплекс: икки ҳовлиси шарқ ва ғарб ўқи бўйлаб жойлашган бўлса, учинчиси эса уларга жануб томондан ёндошган. Мадрасага жанубий ҳовлининг ғарб томонидаги пештоқ-гумбазли дарвозахонадан кирилади. Жанубий қисмида кўп устунли масжид бўлган. Ҳовлилар атрофида хужралар жойлашган. Мадрасада том ёпишнинг турли: кулоҳий, куббали ва текис тўсинли усуллари учратиш мумкин. Бинонинг ташқариси сиркори пишиқ ғиштдан ишланган, ички қисми ганч қоришмаси билан сувалган.

Норбўтабий мадрасаси. XVIII асрнинг 2-ярмига мансуб. Мадраса Чорсу майдони яқинида қурилган. Мадраса бир қаватли ҳовлили бинодан иборат бўлиб, тарҳи тўғри тўртбурчак шаклида (52x72 м), тўрт бурчагига силлиқ миноралар ишланган. Тарҳий ва тарзий тузилиши билан XV-XVI аср мадрасаларини эслатади. Ҳовли атрофида қатор равоқли хужралар қурилган. Пештоқнинг ўнг томонида гумбазли масжид, чап томонида 12 та панжарадор деразали дарсхона жойлашган. Масжид серҳашам қилиб безатилган. Мадрасанинг пештоғи шакли ва умумий ташқи кўриниши билан Бухородаги Қўқалдош, Абдулазизхон, Мир Араб мадрасаларига ўхшаш. Бундан мадраса

қурилишида бухоролик усталар иштирок этишган деган хулосага келиш мумкин.

Модарихон мақбараси. 1825 йилда қурилган бўлиб, Модарихон (хон онаси) ҳазирасига хон авлодларига мансуб аёллар қўйилган. Ҳозирги кунгача мақбаранинг пештоқ гумбазли хонаси, бурчакларидаги қиррадор икки минора сақланиб қолган. Пештоқдаги кошинкор ва сиркор ишланган геометрик ҳамда нафис ислимий гуллар ва ганчкор муқарнасли равоқлар ўзаро уйғунлашиб кетади. Гумбаз ва хона ичлари қиррадор шакллар билан ганчкор қилиб безатилган.

Даҳмаи Шоҳон мақбараси. Қўқон хонларининг кабристони ҳисобланган мақбара XIX асрга мансубдир. Бош тарздаги пештоқ кошин коплаб, сирли ғишт билан безатилган. Безаклари ўзига хос бўлиб, кўриниши беқасам гулга ўхшаб кетади. Ҳовлига қараган икки устунли масжид айвондан иборат. Айвон нақшинкор қилиб безатилган.

Хулоса қилиб айтганда, Қўқонда бир қанча тарихий архитектура ёдгорликлари мавжуд. Улардан энг йириги ва асосийси Ўрда, яъни Худоёрхон саройи ҳисобланади. Сарой шаҳар марказида жойлашган бўлиб, унинг ядросини ташкил этган. Қўқон XVIII асрдан бошлаб хонлик пойтахтига айлангач янада равнаы топиб бошлади. Бу даврларда шаҳарда ислом обидаларидан мадраса, масжид ва мақбаралар қурилиши авж олди.

2.3. Қўқон шаҳридаги турар-жой қурилишлари реконструкциялари қоидалари

Турар-уйлар архитектураси. XX аср бошларида бунёд этилган Қўқон турар-уйлари ўзига хосдир. Улардан бири **Аюббой уйи**дир. Бино дастлаб икки ҳовлили, яъни ичкари ва ташқари қисмлардан иборат бўлган. Хом ғиштан, пойдевори баланд қилиб қурилган. Уйнинг ташқари қисми, яъни шимол томондаги тўғри тўртбурчакли, кўкаламзор ҳовлидаги меҳмонхона

хамда жануб томондан хонага соя ташлаб турадиган Г-симон айвон ҳозиргача сақланиб қолган. Айвон қатор ўймакор устунлар кўтариб турган тўсинлар ёрдамида текис қилиб ёпилган. Хоналар ички деворларида тоқчалар ишланган ва ганчкор безаклар билан безатилган. Шифт беаги ҳам ўзига хос. Қизил заминда босма геометрик нақшлар, ислимий безаклар, марказида муқарнасли ҳавзак ишланган.

Яна шундай турар-уйлардан бири **Олимжон хожи уйдир**. XX асрда бунёд этилган бу уйдан ҳозирда фақатгина меҳмонхона сақланиб қолган. У бир қаватли бўлиб, хом ғиштдан қурилган. Бинонинг ички безаклари ҳам ўзига хосдир. Меҳмонхонанинг баланд шифти моҳирона ишланган нақшлар билан қопланган.

XX асрнинг бошларида Фарғона уй-жой меъморчилиги услубида қурилган уйлардан яна бири **Абдурахмон қози уйдир**. Бино пойдевори ердан баланд қилиб кўтарилган бўлиб, ертўладан омборхона сифатида фойдаланилган. Меҳмонхонага туташтириб жануб томонга қараган айвон қилинган. Ҳовлида хўжалик хоналари ва кудуқ бўлган. Безакларига тўхталадиган бўлсак, деворнинг юқори қисмига ганчдан анъанавий геометрик нақшли арақи сарров ишланган. Маҳаллий усталар зинапоя ва айвондаги ёғоч панжарага дид билан нақшлар ўйишган.

Саъдихон қози уйи. XX асрга тегишли бу бино икки ҳовлини қилиб лойиҳаланган. Икки ҳовлининг ҳам алоҳида-алоҳида эшиклари бўлган. Ташқари ҳовлида даҳлизли меҳмонхона ва унга тақаб қурилган айвондан иборат. Тўғри бурчакли ичкари ҳовлида эса иккита айвонли хона ва бир нечта хўжалик бинолари бунёд этилган. Пойдевор икки метр баландликгача кўтарилган. Бинонинг таг қисмидан молхона ва омборхона сифатида фойдаланилган. Айвон тўсинлари орасига тоқи ўрнатилган. Тўсинларни салобатли ёғоч устунлар кўтариб туради. Хоналар деворига тоқчалар ишланган. Шифт беаги ҳам ўзига хос. Қизил заминда тўлдириб нозик ишланган гуллар ниҳоли кўзга ташланиб туради. Фарғона меъморчилиги

анъаналари руҳида қурилган бу уйнинг қишки хоналари ва Г-симон тарҳдаги ёзги айвон гулли безаклари билан халқ усталари бунёд этган энг яхши бинолар қаторида туради.

Қўқон архитектурасида турар-уйлар **меҳмонхоналарини** безатишга алоҳида эътибор берилган. Шундай меҳмонхоналардан бири ХХ асрга тааллуқли ноъмалум бой уйида мавжуд бўлган. Бу бино тарҳи тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, шимол томонига даҳлизли икки хона, унинг жануб томонига эса П-симон айвон қурилган. Меҳмонхона айвони ва заллари Фарғона усталари томонидан ҳашамдор қилиб безатилган. Дарча ўртасида ислимий ва ёзма нақшлар туширилган ўйма ганч паннолар ишланган. Шифтда Қўқоннинг бошқа уйлари каби қизил ранг устунлик қилади(7-ад, 32-34-бетлар).

Турар-жой уйлари ҳам ўзига хос: турар-жой хоналарининг олди очик ёки ёпиқ айвон билан тўсилган, ундан даҳлизга кирилади, ўчоқбоши ва мўри худди шу даҳлизда жойлашган, деворлар тоқчали, товадонли, шифтга болорлар устидан вассажуфт қилинган, деворлар сиртига гул-нақшлар чекилган ва ҳоказо.

Мустақиллик йилларида Қўқоннинг айниқса эски шаҳар қисмидаги тарихий муҳит ўзгариб кетди. Бу ерда Театр майдони ечими мисолида ижодий ёндошилганини кўриш мумкин. Меъморлар эскича усулдан воз кечганлар, у ерда шаҳарликларнинг дам олиши ва сайиллар қилиши учун кўп-ёқлама кенглик сифатида ҳал этилган. Майдонда амфитеатр, ҳовузлар, чойхона жойлашган. Мусиқали драма театри ва адабиёт музейи майдон тузилишининг асоси ҳисобланади, улардаги ўзига хос меъморчилик услуби маҳаллий манзара билан ҳамоҳанг. Майдон эски шаҳар уйлари ва жой муҳитига узвий бирикиб кетган (18-ад, 134-135 бетлар).

Хулоса қилиб айтганда, Қўқон шаҳри учун хос турар-жой муҳитини ўзгартириш тушунчасини ишлаб чиқишда ана шундай ёндашув талаб этилади. Негизини чидамсиз уйлар ташкил этган феодализм даврига оид

анъанавий шаҳар муҳитининг жон сақлаб келаётгани муҳитнинг анъанавий вазифаларда ва меъморий шаклларда тубдан янгилаш ва қайта тиклашни талаб қилади.

II боб бўйича хулоса.

Қўқон шаҳарсозлигининг типологиясини ўрганиш қуйидаги хулосаларга олиб келди:

- Қўқоннинг энг қадимги қисми Регистон майдони бўлиб, у XIX ва XX асрлардаги меъморий, диний, савдо-сотикқа оид иншоотларни бирлаштириб турган. У ўзининг ҳозирда эски номини сақлаб қолган Чорсу чорраҳасида жойлашган;

- Рус босқинидан сўнг Қўқон шаҳрида янги рус шаҳари эски шаҳар таркибида ривожланган, яъни жанубий-ғарбий қисмида;

- Қўқон шаҳри шаҳарсозлик нуқтаи назаридан 7 босқичда ривож топган, улар:

1. 1850-1880 йиллар – сўнгги феодализм шаҳарсозлик маданияти;
2. XIX аср охири-1917 йиллар – тартибли шаҳарсозлик услубларининг киритилиши;
3. 1917-1939 йиллар – революциядан сўнг шаҳарларнинг қайтадан тикланиши, янги қурилишларнинг нисбатан кам қурилиши;
4. 1939-1966 йиллар – тарихий шаҳарларда алоҳида биноларнинг режали қурилиши;
5. 1966-1971 йиллар – янги кўчаларнинг пайдо бўлиши, янги микрорайонларнинг пайдо бўлиши;
6. 1971-1986 йиллар – тарихий марказларда қайта тиклаш ишларининг бошланиши, шаҳарлар атрофидан кўчалар ўтказиб, уларга бутунлик бериш;
7. Мустақиллик даври – тарихий шаҳарларнинг миллийлик мафкураси асосида қайтадан тикланиши.

- Фарғона турар-уйларида хотин-қизларнинг номаҳрам нигоҳига тушмаслигини назарда тутиб, уйларнинг ҳовлилари кўча томондан мутлақо кўринмайдиган қилиб қурилган. Бу жиҳатни биз Бухоро уйларида ҳам

кўришимиз мумкин. Демак барча деразалар ҳовли томонга қаратилган. Фарғона водийси актив сейсмик зонада жойлашганлиги туфайли уйлар чўпқори усулида қурилган. Қўш қатор қилиб терилган синчлар деворнинг энли бўлишини таъминлаган. Деворлар қалин бўлганлиги учун турар-уйларнинг ички қисмидан тоқча ва тахмонлар ишланган.

III БОБ. ҚЎҚОН ШАҲРИ БОШ РЕЖАСИНИ АНДИЖОН ВА НАМАНГАН БОШ РЕЖАЛАРИ БИЛАН ТАҚҚОСЛАШ

3.1. Шаҳарлар бош режаларини қайтадан тузиш концепцияси

Қўқон шаҳрида амалга оширилаётган қайта қуриш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йил 15 декабрдаги ПП-1239 – сонли **“Қўқон шаҳри инфраструктурасини ва архитектуравий кўринишини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 августдаги 167-сонли **“Қўқон шаҳри бош планини тасдиқлаш тўғрисида”**ги қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда Қўқон шаҳрида қуйидагича ишлар амалга оширилмоқда:

1. Шаҳарнинг шаҳарсозлик нуқтаи назаридан энг аҳамиятли нуқтасида тарихий ва жамоат марказлари белгиланди. Шунингдек шаҳарнинг марказий қисмида, яъни марказий майдонлар ҳисобланмиш ўрда, чорсу, озодлик қисмларида зоналаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ерда болалар ва ёшлар учун алоҳида зона, спорт иншоотлари учун алоҳида, шу билан бирга аҳоли дам олиши учун кўкаламзорлаштирилган зоналар ва бошқалар ажратилди.

2. Шаҳарнинг ташқи архитектуравий кўриниши қисқа вақтлар ичида бу ерда кенг миқёсда кўча ва майдонларда олиб борилган бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари натижасида тубдан ўзгарди.

3. Шаҳарнинг ижтимоий инфратузилмаси ривожлантирилди ва комплекс тарзда ечилди, шунингдек инженерлик тармоқлар замонавий талаблар асосида қайтадан ишлаб чиқилди.

4. Шаҳар транспорт тизими тубдан янгиланди. Автомобий йўллари ва чорраҳалар реконструкция қилиниб кенгайтирилди, кенг 4-6 қатор йўлли кўчалар барпо этилди.

5. Шаҳар аҳолисининг яшаши ва дам олиши учун қулай бўлган муҳит шакллантирилди. Тарихийлик ва замонавийлик уйғун тарзда ривожлантирилди.

Қўқон шаҳрини реконструкция қилиш жараёнида тарихий-маданий объектлар ва жойларни эътиборга олиш лозим эди. Шаҳарларни реконструкция қилиш, уни янгилаш эса замонавий вақт талабларидандир. Чунки қадимги йўллар ҳозирги автомобилларга мўлжалланмаган эди. Шундай бўлсада реконструкция жараёнида шаҳарнинг асосий тарихий қиёфасини сақлаб қолиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мутахассислар томонидан яхши ўйлаб чиқилмаган реконструкция ишлари албатта тарихий меъросимизни сақлаб қолишга қарши чиқади. Шу сабабли тарихий шаҳарларимизни қайта реконструкция қилишда эҳтиёт бўлишимиз керак. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек: “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Шу сабабли тарихимизни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи лозим.

Тарихий шаҳарларни реконструкция қилишда бой тажрибага эгамиз. Бунинг исботи сифатида мамлакатимизнинг Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарларида олиб борилган ишларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бу шаҳарларда тарихий ва замонавий қисмлар бир бутун ҳолда ривожлантирилди. Замонавий қурилишлар тарихий объектлар жойлашиши ва кўринишидан келиб чиққан ҳолда лойиҳаланди.

Эски тарихий шаҳарлар реконструкциясида нафақат алоҳида ёдгорликларни, балки қадимги шаҳарларнинг структуравий-схематик ечимини, характерли қисмларини, улардаги тарихий муҳитни ҳам сақлаб қолишимиз керак бўлади.

Шаҳарларни реконструкция қилишнинг салбий жиҳатлари уларни етарли даражада ўрганмаганлигимиз натижасида келиб чиқиши мумкин. Шу сабабли ҳар бир тарихий шаҳарни реконструкция қилиш жараёнида мукамал изланишлар олиб бормоғимиз, ўша жой бўйича тўлиқ маълумотларга эга бўлмоғимиз даркор. Шундан кейингина реконструкция лойиҳаларини ишлаб чиқмоғимиз лозим. Акс ҳолда тарихий шаҳарлар ўз қиёфасини йўқотиб боради.

XIX аср охирида Фарғона водийсининг “Эски шаҳар”лари сўнгги ўрта асрларда Туркистон шаҳарлари учун одатий ва типик ҳисобланган радиал режавий структурага эга бўлган. Айлана шаклидаги шаҳар паҳса ва хом ғиштдан қилинган мудофаа девори билан ўралган. Шаҳарга бир неча дарвозалар орқали кирилган ва улар орқали келадиган йўллар шаҳар марказига келиб туташган. Марказда монументал қурилмалар, яъни ўрда – хокимият саройи, йирик мадраса, хонақоҳ ва масжид жойлашган. Улар асосан бир ёки икки қаватли бўлиб, безакдорлиги билан бошқа бинолардан ажралиб турган. Лой ва паҳсадан қурилган уйлар орасидаги тор ва қинғир-қийшиқ кўчалар орқали марказий йўлларга чиқилган. Турар-уйлар томи текис бўлиб, сомон сувоқ қилинган. Ташқи деворлардан деразалар очилмаган. Турар-жой даҳаларига жамоат марказлари, ҳовузлар, маҳалла масжидлари чирой бағишлаб турган.

1876 йилда давлат Россия ҳукумати қўлига ўтгач Фарғона водийсида ҳам бошқа шаҳарларда бўлгани каби “янги” шаҳарлар қурилиши авж олди. Шаҳарларнинг келгусидаги ривожини ана шу “янги” шаҳарларнинг режавий структурасига боғлиқ бўлиб қолди. Рус жамоат бинолари ва гарнизонлари вақтинчалик хон ёки бекларнинг саройларига жойлаштирилган. Маҳаллий халқнинг хусусий мулк ва уй-жойлари ўша вақтларда рус амалдорлари шахсий мулкига айлантирилган эди.

Қўлга киритилган ерларда икки йил давомида ҳарбий инженерлар рус маҳаллаларини лойиҳалаштирдилар. Лойиҳага кўра улар эски шаҳарларга

яқин жойда ёки бевосита унинг таркибида жойлаштирилган ва “янги” шаҳарлар ёки “рус” шаҳарлари деб номланган (40-ад, 28-б.).

Янги ва эски қисмлардан иборат бундай шаҳарлар “икки қисмли” ёки “икки структурали” деб номланган (40-ад, 29-б.).

Янги рус шаҳарларини қуриш учун жой танлашда шифокорлар ва бошқалардан иборат комиссия тузилган. Улар жойнинг санитар ва иқлимий шароитларини аниқлаб берганлар.

XIX аср охирларида қурилган Ўрта Осиё темир йўли бу ерлар ривожига улкан ҳисса қўшган. Шундай темир йўллардан бири Самарқанд-Андижон-Тошкент йўли эди. Қурилган темир йўллар орқали маҳсулот айирбошлаш яхши йўлга қўйилди. Ноёб янги қурилиш материаллари ва ишлаб чиқариш асбобларининг олиб келтирилиши бошланди. Қурилиш ишлари шундан сўнг жадал ривожлана бошланди. Фарғона шаҳарларининг руслар жойлашган қисмида асосан савдо-саноат ва турар-уйлар қурилиши анча жонланди.

Шу тариқа XIX аср охири – XX аср бошида Фарғона водийси тарихий шаҳарсозлигини темир йўл қурилишига боғлиқ равишда икки даврга бўлиш мумкин. Биринчиси, XIX асрнинг охириги чорагидаги қурилишларнинг асосан маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган давр. Иккинчиси, XX аср бошида турли хил топилмас қурилиш ашёларининг арзон нархларда келтирилиши натижасида капиталистик архитектура гуллаб яшнади.

Фарғона водийси шаҳарлари умумий ривожланиш тенденциясига эга бўлсада, уларнинг ҳар бири ўзининг индивидуал структурасига эга бўлган.

XVIII-XIX асрларда Қўқон Фарғона воҳасининг энг йирик шаҳарларидан бири эди. Унинг шахристон қисми анъанавий мудофаа деворлари ва ҳандақ билан ўралган. Девор узунлиги 19 км яқин бўлиб, у 12 қисмга бўлинган. Ҳар бир қисмда шаҳарга кириш дарвозалари мавжуд эди. Шаҳар икки марказий қисмга эга бўлган. Улардан бири Ўрда худудида жойлашган маъмурий марказ, иккинчиси Чорсу майдони худудида

жойлашган жамоат маркази эди. Жамоат марказида бозор, мадраса ва масжид ҳам жойлашган. Қўқон ҳаётида муҳим жой қадимги карвон йўллари кесишган ҳудудда жойлашган бозор бўлган. Бу бозор Ўрта Осиёда Бухоро бозоридан кейинги ўринда турган. Ажойиб тарзда бунёд этилган Худоёрхон саройи, Жума масжид, Қўқонсойдан ўтувчи 1822-1842 йилларда бунёд этилган Гишт кўприк ва Дерезлик номли кўприклар шаҳар кўркига кўрк бағишлаб турган.

1876 йилда Қўқон оқ подшо ҳарбийлари томонидан эгалланди ва Фарғона вилоятининг марказига айлантирилди. Ҳарбий бошқарув, гарнизон ва маъмурий бинолар 1870 йилда қурилган, шаҳардаги энг йирик ва чиройли ҳисобланган Худоёрхон саройига жойлаштирилди. Кейинчалик бу ерда йирик ва ҳашаматли тўғри тўртбурчак шаклидаги рус қалъаси бунёд этилди. Бу қалъа Худоёрхон саройидан тўрт баробар катта эди.

Қўқоннинг унча яхши бўлмаган иқлими ва санитария шароитига кўра 1876 йилда ҳарбий бошқарув махсус бунёд этилган Янги Марғилон шаҳрига кўчирилди. Унча катта бўлмаган гарнизон Қўқонда қолдирилди. Шунга қарамасдан Қўқон аҳолисининг кўплиги, ишлаб чиқариш ва савдонинг ривожланганлиги бўйича революциягача Фарғона воҳасида етакчилардан бўлиб қолган.

1883-1884 йилларда шаҳар рус қисмининг бош тарҳини ишлаб чиқиш масаласи кўтарилди ва шаҳарнинг эски қисми яқинида лойиҳалаштириш кўзда тутилди. Жой танлашда шифокорлар ҳам иштирок этишди. Улар Қўқоннинг жанубий қисмида жойлашган Авғонбоғ ҳудудини кўрсатишди. Лекин иқтисодий ва маъмурий кучнинг марказда қолиши мақсадида мусулмонлар маркази ҳудуди (хон ўрдаси атрофи)да қолдирилган эди (40-ад, 32-б.).

Дастлабки 10 йиллар мобайнида Қўқон шаҳри Туркистоннинг бошқа шаҳарлари каби тез ривожланиб кета олмади. Чунки илк вақтларда

Худоёрхон саройига рус гарнизонлари ва маъмурий бинолар жойлаштирилган эди.

1880 йилда европа қисмини ривожлантириш мақсадида рус калъасининг тўрт тарафидан 20-25 метрли тўғри ва кенг кўчалар ўтказилди. Улар шарқдан – Воскресенский (ҳозирги Туркистон), ғарбдан – Ивановский (ҳозирги Худоёрхон), шимолдан – Батыровский (ҳозирги Ўрдатаги), жанубдан Розенбаховский (ҳозирги Истиклол) проспектилари. Бу кўчаларда бошқарма бинолари, қамоқхона, молия муассасалари, уйлар, почта станцияси, телеграф, мактаб, касалхоналар ва бошқа шунга ўхшаш иншоотлар қад кўтарди.

Шу тариқа янги руслар шаҳри ғарбга томон Розенбаховский кўчаси бўйлаб ривожланиб борди. Кўча атрофида чизикли тарзда банк, меҳмонхона, магазинлар ва бошқа маиший бинолар қад кўтарди. Узоқ вақтлар мобайнида бу кўча билан кесишувчи кўча бўлмаган. Бунга сабаб эски шаҳар қисмида жойлашган ерларнинг қимматлиги сабаб бўлган.

Темир йўлнинг Қўқондан ҳам ўтиши натижасида эса руслар қисмидан яна бир йирик Скобелевский проспекти ўтказилди. Бу кўча темир йўлдан чиқиб тўғри бориб Розенбаховский кўчасининг марказига туташган.

Қўқонда савдо билан бирга ишлаб чиқариш ҳам анча кучайди. 1893 йилда бу ерда 11 та пахта тозалаш заводи, турли йирик банк иншоотлари ва бошқалар бунёд этилди.

XX аср бошларида иқтисодий ўсиш натижасида Қўқон янада гуллаб-яшнади. Скобелевский кўчаси шимолга Ғози-Янглиғ дарвозасигача узайтирилди. Шунинг таъкидлаш керакки, янги шаҳар қисмларида пайдо бўлаётган тўғри йўллар эски Қўқоннинг дарвозаларидан марказга қараб келадиган кўчалар структурасини бузмаган. XX асрнинг 10-йилларида архитектор М.Мауэр бутун шаҳарнинг ривожланиш бош тарҳини ишлаб чиқди. Лекин баъзи бир сабабларга кўра бу лойиҳа амалга ошмай қолган.

Қўқоннинг эски ва янги қисмлари аниқ бир йўналишда ажратиб қўйилмаган. Лекин Қўқонсой уларни рамзий маънода ажратиб турган. Шундай қилиб шаҳарнинг руслар жойлашган қисми жанубий-ғарбий томонда ривожланди. Бу ерда ўзаро кесишувчи асосий проспектлар – Розенбаховский ва Скобелевский кўчалари янги шаҳарнинг ривожланишини белгилаб берган. Янги шаҳар қисми умумий шаҳарнинг учдан бир қисмини эгаллаган. 1917 йилда руслар шаҳари қисми ҳудуди 5,9 м² ташкил этган. XX аср бошларида водопровод, электр, телефон, канализация сингари инженерлик тармоқлари ҳам анча ривожланган(40-ад, 37-б.).

Фарғона водийсининг Қўқон ва Чуст шаҳарларида руслар туманлари санитар ва иқтисодий сабаблар туфайли эски шаҳарлар ҳудудида жойлаштирилган.

Қўқонда эндигина куриб битказилган Худоёрхон саройини руслар ўз эҳтиёжлари учун мослаштириб олгач, янги ҳукумат ва ҳарбий бинолар куришга қўшимча сарф-харажат қилмасликга қарор қилишган. Қўқон шаҳри босиб олингач дастлаб янги шаҳарни эски шаҳар чегарасида, сарой атрофида маъмурий-жамоат биноларини куриб ривожлантириш арзонроқ ва фойдалироқ бўлган. Лекин бу қарорнинг хато томони ҳам бўлган. Яъни Худоёрхон саройидан ғарбга қараб ўтказилган Розенбаховский проспекти учун Қўқоннинг туб аҳолисидан жуда қиммат бўлган ерларни сотиб олишга мажбур бўлинган. Кейинчалик шаҳар темир йўл вокзалидан бу кўчага перпендикуляр тарзда Скобелевский проспекти ҳам ўтказилган. Шу тариқа Қўқоннинг янги шаҳар қисми “Т”-симон шаклдаги структурага эга бўлган.

Чуст шаҳри ҳам “Т”-симон структурада ривожланган бўлиб, унинг Қўқон шаҳридан фарқи олдиндан режалаштирилганлигидадир, яъни 1879 йилда топограф А.Рыжиков томонидан.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, янги шаҳарларнинг эски шаҳар ҳудудида ривожлантирилганлиги руслар учун жуда қимматга тушган ва шаҳар жуда секинлик билан ривожланган.

Биз ўрганаётган Андижон ва Наманганнинг янги шаҳарлари эса эски шаҳарлардан ташқарида, унга туташ қилиб олдиндан лойиҳаланган. Бу янги шаҳарлар радиал-ҳалқасимон шаклда ривожлантирилган. Шаҳарнинг руслар қисмида шаҳар боғи, жамоат ва маъмурий марказлар жойлаштирилган. Лекин бу қисмда саноат ва ишлаб чиқариш зонаси назарда тутилмаган.

Янги шаҳарларни барпо этиш учун эски шаҳардан ташқари ҳудудни танлашнинг ўзига хос сабаблари бўлган. Андижонда ҳукумат биноси шаҳарни қўлга олиш учун бўлган жанглarda анча бузилиб кетган. Шунинг учун уни тиклашдан кўра эски шаҳар чегарасида янги бино қуриш ва янги шаҳар барпо этиш фойдалироқ бўлган. Бундай шаҳарларнинг ривожланганлигини 1867 йилда Тошкентда, 1871 йилда Самарқандда ҳам кўришимиз мумкин (40-ад, 68-б.).

Наманганда эса эгалланган ва қайта қурилган рус қалъаси эски шаҳар қисми четида жойлашган. Шунинг учун янги шаҳар шу қисмдан ривожлантирилган.

Янги Марғилон шаҳри ҳам шу структурада ривожланган.

Юқорида келтирилган бу уч шаҳарнинг асосини рус қалъаси белгилаб берган. Бу қалъадан нурсимон кўчалар тарқалган ва улар ҳалқасимон кўчалар билан ўзаро бирлаштирилган. Бу структура “елпиғич”ни эслатади.

Радиал-ҳалқасимон структурага эга бўлган янги шаҳарлар XIX аср охирида Туркистон шаҳарларида кенг тарқалган.

Фарғона бош режаси. Фарғона бош режасига талай ўзгартишлар киритилган (1951, меъмор А.Зотов). 1939 йилда 40 минг кишини ташкил этган унинг аҳолиси 50 йилларда 110 мингдан ортиқроқ миқдорга етганди. Унда йирик енгил саноат корхоналари, масалан, тўқимачилик корхонаси, ипак йиғириш фабрикаси, пахта ва ёғ-мой заводлари қурилиши шаҳарнинг тез ўсишига олиб келди. Нефтни ҳайдаш заводи, кимё корхонаси ва ҳоказолар шаҳар учун алоҳида аҳамият касб этади. Қайта қуришнинг бош режаси Фарғонанинг ўсиб-ривожланиши, унинг Ўзбекистондаги йирик

саноат, илмий ва маданий марказларидан бирига айлантириш бўйича тадбирларни кўзда тутган эди. Шаҳар ҳудуди уч барабар ўсди, саноат минтақаларини марказ билан улаш учун янги проспектлар ётқизилди (собик Комсомол, Пушкин кўчалари). Шаҳар асосан жанубий, янги манзилгоҳлар (Қиргули, тўқимачилар шаҳарчаси) ва Фарғонадан 12 км. нарида жойлашган Марғилон шаҳри билан уланиш йўналишида кенгайиб борди (Марғилон ипак шаҳри, йирик савдо маркази сифатида машҳур). Янги муштарак шаҳар республикада катталиги билан учинчи бўлиб, аҳолиси 350 минг кишига мўлжалланган.

Шаҳарни кесиб ўтувчи серсув каналлар ҳовуз ва фавворалар учун манба бўлиб қолган. Фарғона атрофида яшил ҳалқа яратилган, манзарадор ёнбағирларда дам олиш уйлари, санаториялар, пионер лагерлари қурилган. Турар-жой уйлари ва жамоат бинолари қад кўтарган янги кўчалар тобора ўз жамолини очмоқда. Шаҳар марказида йирик маъмурий бинолар кўкка бўй чўзиб турибди.

3.2. Андижон ва Наманган реконструкция режалари

Андижон Ўрта Осиёнинг тарихий шаҳарларидан бири ҳисобланади. Бу ерда X асрдаёқ йирик савдо-ҳунармандчилик маркази мавжуд эди. У XVIасрда Фарғона водийсидаги темурийзода Бобур Мирзо ерларининг маркази бўлган. Заҳириддин Мухаммад Бобур ўз “Бобурнома”сида - Андижон Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кешдан сўнг йирик шаҳарлар сирасига киради. XIX асрда шаҳар бошқа шаҳарлар каби сўнгги феодал архитектураси асосида ривожланди. Бу ердаги энг йирик ва машҳур обидалардан бири **Махмуд али мадраса-масжиди**дир. Унда 300 та талабага мўлжалланган 103 та хужра мавжуд бўлган. Шунингдек кенг ҳовли марказида минора қад ростлаган.

1876 йилда Андижонни кўлга киритган рус империяси ўзининг гарнизони ва маъмурий биноларини икки хон ўрдаси ва Гул Тўба қалъасига вақтинчалик жойлаштиради. 1877 йилга келиб шаҳарнинг жанубий-шарқий қисми “Янги шаҳар” учун танланди. Шу тариқа Андижон Фарғона вилоятининг уезд шаҳарларидан бирига айланди. Қадимги шаҳарнинг марказий қисмидан ўтказилган, ҳозирда Навоий кўчаси деб номланадиган кенг ва тўғри проспект мусулмон ва янги пайдо бўлган шаҳарларни бир-бири билан бирлаштирган.

1880 йилда янги қалъа ва эски шаҳар оралиғида радиал-ҳалқа асосдаги кўчалар бўйлаб европа қисми жойлаштирилади. “Рус Андижони” деб номланган янги қисм тарҳда тўғри тўртбурчак тарзида бўлиб, унинг бурчаклари дунё томонларига тўғри келади. Шарқий бурчакда квадрат тарҳда қалъа жойлашган. Унинг томонлари 1,1x1,2 км (тахминан 1,4 м² майдонга эга) бўлган.

XX аср бошларида эски ва янги шаҳарларни кенг бульвар ва темир йўл ажратиб турган. Шарқдан ғарбга қараб йўналган марказий радиал кўча янги шаҳарни тенг икки қисмга бўлган. Шу кўча бўйлаб шаҳарнинг жамоат маркази шакллантирган. Шимолий қисмда боғ барпо этилган. Шаҳарда ишлаб чиқариш соҳаси ҳам анча ривожланиб борди. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, XIX аср охирига келиб Андижонда пахтани қайта ишлаш саноати ўзининг юқори чўққисига кўтарилди.

1898 йилда Самарқанд-Андижон темир йўли ишга тушди. Янги шаҳар қисмининг асосий проспекти бошланишида пишиқ ғиштдан бир қаватли темир йўл вокзали бунёд этилган. Бино архитектори Г.Сваричевский. Темир йўлнинг ўтказилиши натижасида Андижоннинг иқтисодий салоҳияти анча ошди.

XIX ва XX асрлар чегарасида Андижоннинг бўлғуси шаҳарсозлик ва архитектура ривожига содир бўлган икки фожеа катта таъсир кўрсатган. Улардан биринчиси, 1898 йилнинг май ойида содир бўлган. Яъни

Андижоннинг тубжой аҳолиси томонидан оқ подшо ҳокимиятига қарши ғалаёнидир. Кўп вақт ўтмасдан исён аянчли тарзда бостирилади. Шу тариқа 1899 йилда кўзғолон кўтарган аҳоли ерлари жазо сифатида тортиб олинади ва бу жойларда офицер уйлари барпо этилади, русларнинг яшаш жойларига, экин майдонларига айлантирилади.

1910 йилда европа қисми бу ерлар қўшиб олиниши натижасида анча кенгайди. Ғарбдан-шарққа қараб тўртта параллел кўча ва уларга перпендикуляр тарзда яна тўртта кўча ўтказилди. Бу янги ғарбий қисмда жойлашган учбурчак шаклидаги рус худуди европа шаҳарини квадрат кўринишдан трапеция кўринишига ўзгартириб юборган.

Андижонда содир бўлган иккинчи фожеа 1902 йилнинг 3 декабрида содир бўлди. Кучли зилзила натижасида юзлаб инсонлар вафот этди ва бир қанча қурилмалар вайрон бўлди. Шу тариқа янги қурилмалар пайдо бўлди. XX асрнинг дастлабки йиллари Андижонда қайта тикланиш даври бўлди. Кейинчалик октябр инқилобигача капиталистик ривожланиш даври ҳукм сурди. 1903 йилда рус қисмини тиклаш ишлари натижасида 33 та ҳукумат бинолари ва 125 та хусусий бинолар қуриб битказилди. Кўчалар кенгайтирилди ва ободонлаштирилди. Эски шаҳар қисмида эса 350 та жамоат бинолари ва 1500 дан ортиқ турар уйлар қурилди. Шаҳарнинг асосий бешта кўчаси кенгайтирилди ва ободонлаштирилди. Асосий кўчалар бўйлаб тифиз қилиб пишиқ ғиштлардан савдо мажмуалари, меҳмонхоналар, турар уйлар ва банк бинолари қурила бошланди. Янги шаҳарнинг ғарбий қисмида ишлаб чиқариш ва саноат зонаси шаклланди.

XX аср бошларида Андижонда инженерлик тармоқлари ҳам ривожлана бошлади. 1905 йилда рус қисми кўчаларидаги эски керосин чироқлар ўрнига электрлашган чироқлар билан таъминланди. 1915 йилда эса Г.Сваричевский бошчилигида шаҳарни водопровод билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилди ва 1917 йилда амалга оширилди (40-ад, 51-б.).

Шаҳарнинг марказий кўчалари кесишган жойларда қизиқарли архитектура ансамбллари қад ростлади. Улар тарҳда бурчакли, “Г”–симон ва бошқа шаклларда лойиҳаланди. Бу биноларнинг чорраҳаларга қараган бурчак қисмлари бошқа қисмлардан кўра баландроқ ва безакларга бой эди. Бундай ансамбллар XIX-XX асрлар Европа ва Россия капиталистик архитектурасига хосдир.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср бошларидаги Андижон шаҳарсозлиги биринчидан, ўзининг функционал зоналарга аниқ ажралганлиги, жамоат ва маъмурий марказларнинг ажратилганлиги, боғ-роғлар ва саноат қисмларининг мавжудлиги билан ажралиб туради. Иккинчидан эса шаҳарсозлик ансамбллари ва қисмларининг қойилмақом тарзда ишланганлиги билан киши эътиборини тортади.

Наманган – Фарғона шаҳарлари орасида катталиги жиҳатидан биринчи ўринда туради. 70–80 йиллар республиканинг бошқа вилоят шаҳарларида бўлгани каби унинг олдида ҳам шиддат билан ўсиб бораётган аҳолининг умумтаълим, ижтимоий-маданий ва демографик эҳтиёжларини қондириш муаммоси кўндаланг турган. Наманганни қадимги шаҳарлар сирасига киритиб бўлмайди. Унинг ёши 400 йил деб ҳисоб қилинади ва айни вақтда шаҳарнинг ўз жамоли бор, фақат унгагина хос бўлган қиёфа, миқёс ва унинг вужудга келишидаги тарихий ўзига хослик эътиборни тортади. Шаҳардаги минг ёшли чинорлар одамларни жазирамадан сақлайди, турфа ва анво гуллар дилни яйратади, машхур наманган мевалари лаззат бағишлайди, шаҳарликлар қўли билан бунёд этилган сунъий сувомборлари, каналлар баданга салқин елларни уфуради, савдо расталари ва бозорларида шарқона ғала-ғовур ва олди-сотдилар бир зум тинмайди.

Наманган марказига танлов. Шаҳар маркази қандай бўлиши керак, унинг марказий майдони қандай бўлмоғи лозим – бу саволларга Ўзбекистон меъморлари, Намангандаги марказий майдонни қуришнинг эскизини ишлаб чиқишга Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси ва меҳнаткашлар депутатлари

Наманган вилоят кенгаши ўтказган танлов иштирокчилари жавоб беришга ҳаракат қилганлар.

Наманган шаҳар Марказий майдони қурилишининг меъморий режавий ечими эскиз лойиҳасини ишлаб чиқишга буюртмали танлов дастури ва шартлари иштирокчилари жавоб беришга ҳаракат қилганлар. Наманган шаҳар Марказий майдони қурилишининг меъморий режавий ечими қоралама лойиҳасини ишлаб чиқишга буюртмали танлов дастури ва шартлари иштирокчилар олдига юқори меъморий режавий талабларга ва замонавий меъморчилик даражасига жавоб берувчи энг яхши шаҳарсозлик таклифларини аниқлаш вазифасини қўйди. Буюртмали лойиҳа шартларига кўра, танловда ЎзНИИП шаҳарсозлик, Бош режа ТошНИИПИ, Тошгипрогор, Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси қошидаги Ўзархпроект, ТошЗНИИЭП ва меъморчилик Наманган шаҳар бўлими иштирок этдилар. Танловда иштирок этишга Наманган бош режа лойиҳачилари жамоаси (ЎзНИИП шаҳарсозлик)– муфассал режалаштириш ва алоҳида шаҳарсозлик тармоқлари муаллифларини, шунингдек Наманган шаҳрининг бош меъмори раҳбарлиги остидаги жамоани (меъморчилик Наманган бўлими) жалб этиш танлов лойиҳавий таклифларига холисона ёндашувга, таянч қурилишларни, шаҳар яшил жамғармасини, мавжуд лойиҳа ҳужжатларини ҳисобга олиб таклиф қилинаётган ечимларни асослашга туртки берди. Лойиҳаларнинг кўпчилигида мавжуд марказни юзага келтирувчи асосий шаҳарсозлик ўринлари назарда тутилган, марказнинг олдиндан мавжуд кўчаларнинг асосий йўналишлари ва уларнинг марказга туташ тармоқлари билан алоқалари сақлаб қолинган эди. Шаҳар марказий майдони ўз фаолиятидан ташқари марказ қурилишининг асосий сабабчиси бўлиб қолиши керак эди. УзНИИП шаҳарсозлик лойиҳасида бу вазифа муваффақиятли хал этилган: баланд минора қурилиши кўзда тутилган, Узархпроект лойиҳасида эса Бош хиёбон охирида ёшлар марказининг баланд биноси қурилиши кўзда тутилган. Ўзархпроект ва УзНИИП шаҳарсозлик лойиҳалари майдоннинг қулай ва

тантанавор барпо этилишида танлов дастури ва шартлари талабига тўла жавоб бераганлигини ҳисобга олган жюри муаллифларга нуфузли ўринларни берган (18-ад, 50-52 бетлар).

Наманганнинг шаклланиши XI-XII асрларда қадимги маҳалла манзилгоҳидан бошланган. XVII асрдан XIX аср охиригача Наманган Қўқон хонлиги таркибида бўлган.

1876 йилда Наманган ҳам руслар томонидан қўлга киритилди ва у Фарғона вилоятининг уездига айлантирилди. Маъмурий бинолар ва ҳарбий гарнизон эски Наманганнинг ғарбидаги қалъага жойлаштирилган.

1878 йилнинг баҳорида Наманганда ҳам руслар қисми ривожлантирилди. У радиал-ҳалқасимон кўчалар кўринишида лойиҳаланди. Эски қалъадан шимолга қаратиб Янги ариқгача бешта кенг кўчалар қилинди. Бу кўчалар тўртта кўндаланг кўчалар билан бирлаштирилди.

1900 йилда лойиҳаланган генпланга назар солинса, эски ва янги шаҳарларни бир-биридан Бозор кўчаси ажратиб турган. Янги шаҳар кўчаларига терак дарахтлари экилган, ариқлар ўтказилган ва кўприкчалар қурилган.

1890 йилда тарихий қалъада жойлашган ҳарбий эспланада бошқа жойга кўчирилиб, унинг атрофи дам олиш боғига айлантирилган. Бу ерда одамлар дам олишлари учун ҳовузлар, шийпончалар ва кичик овқатланиш масканлари бунёд этилган. Радиал шаклдаги Кауфман кўчасининг бошланиш қисмида 1894 йилда шаҳар черкови қурилган (40-ад, 54-б.). Бошқа асосий кўчалар бўйлаб завод, уезд бошлиғи уйи, шаҳар шифохонаси, маъмурий бинолар ва бошқа қурилмалар қад ростлади.

XIX асрнинг охириги чораги Наманган шаҳрининг янги қисмида тўғри, кенг ва ободонлаштирилган кўчалар, улар атрофидаги капитал жамоат бинолари ва хусусий бинолар қурилиши билан ажралади. Шунингдек Фарғона воҳасининг бошқа шаҳарларидан фарқли ўлароқ, бу ерда бир бутун марказ ривожлантирилди. Улар маъмурий, маданий, савдо ва саноат

марказларидир. Кўп функцияли марказнинг салбий томонларидан бири саноат марказининг ҳам бу ерда жойлаштирилганлигидадир.

XIX асрнинг охирларида Қўқон-Марғилон-Андижон йўналишидаги темир йўлнинг қурилиши билан Наманганда ҳам барча соҳаларда бир мунча жонланиш юзага келди. Янги-янги завод ва фабрикалар бунёд этилди. Янги шаҳар шимолга қараб ривожлантирилди. Шу тариқа Наманганнинг руслар жойлашган қисми ҳам тиғизлаша борди.

Наманганнинг европа қисми ва унинг янги шимолий-ғарбий қисмини эски Баронский проспекти боғлаб турган. Янги шаҳар қисмида ўзининг савдо-маиший маркази бунёд этилган. Ғарбий қисмнинг асосий магистрали ҳалқасимон кўринишга эга бўлиб, у шимолий қисмдан ўтган Янги ариқга параллел бўлган. Янги ариқдан шимолда 16 та пахта тозалаш заводи барпо этилган ва бу қисм саноат зонасига айлантирилган.

1912 йилга келиб Қўқондан Наманган шаҳрининг шимолига қараб темир йўл ўтказилади. Бу темир йўл Янги ариқга яқин ва унга параллел равишда қурилган. Янги темир йўлнинг ўтказилиши билан танқис бўлган янги қурилиш материаллари бу ерларга ҳам кириб келди ва шаҳарда савдо-ишлаб чиқариш тезликда ривожланиб кетди. Шундан сўнг Наманган иқтисодий ўсишга эриша бошлади. Ўша вақтларда бу ерда барпо этилган янги бинолар шаҳарсозлик нуқтаи назаридан кўпроқ капиталистик характерга эга бўлган.

Янги ва эски шаҳарлар чегарасида икки қаватли бинолар қад кўтарди. Бу биноларнинг биринчи қавати савдо учун мўлжалланган бўлса, иккинчи қавати турар жойга берилди.

XX асрга келиб Наманганнинг XIX асрдаги яхлит кўп функцияли маркази (маъмурий, жамоат, савдо, саноат) турли жойларга бўлиниб кетди. Яъни савдо маркази Кауфмановский проспектида, Розенбах ариқининг шарқий қисмидаги Аверьяновский ва Скобелевский проспектлари оралиғига саноат зонаси, Скобелевский проспектининг шарқий қисмига маъмурий

марказ жойлаштирилди. Шу тариқа шаҳар ўз ривожланиш тенденциясига эга бўлди.

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб Фарғона водийсида улкан ўзгаришлар юзага келди. Бу даврга келиб савдо ва саноатнинг ривожини курилишга улкан таъсирини намойиш этди. Андижон темир йўлининг курилиши мол сотиладиган бозорлар кенгайишига ёрдам берди. Пахта тозалаш заводлари сони кескин кўпайди. 1903 йилга келиб Наманган ва унинг атрофларида 16 пахта тозалаш заводи мавжуд эди. Улардан бирининг эгаси Мулло Қирғиз Машраббоев эди. Бой савдогарлар ўз пулларига мадраса, масжидларни қурдирган эдилар.

1908 йилда “Қўқон-Наманган” темир йўли жамияти ташкил топди. 1912 йилда Қўқон-Наманган тармоғи очилди. Бу савдогарлар даромадини янада кўпайтирди.

Мадраса “Коши” тизимида янада қадимийроқ бўлмиш “Айротам” масжиди (ҳозир бузиб ташланган) жойлаштирилган эди ва Чорсу майдонининг ансамблини ташкил қилган. Бироқ, қайсидир жиҳати билан мавжуд масжид шакллари такрорлаб, Мулло-Қирғиз мадрасаси маҳобатлироқ шаклларда қурилган.

Наманган Норин дарёсидан чиққан Янги ариқнинг чап қирғоғида Сирдарёдан шимолда ётади. Шаҳар рус ва тузем қисмларидан иборат бўлган. Омархон бошқаруви даври XIX аср биринчи чораги охирида Норин дарёсидан янги ариқ ўтказилган. Қадимги иншоотлар ва ёдгорликлар Наманганда ҳам мавжуд. Шаҳарнинг энг катта зиёратгоҳи бўлиб, Девони Машрабнинг (1640 й.) туғилган жойи қолдиқлари ҳисобланади. Шаҳар биринчи марта рус аскарлари томонидан 1875 йил 25 сентябрда эгалланган эди. Наманганнинг рус тузем қисмида 12159 та уй, 331 масжид, 16 та мазор, 35 та қаландархона, 75 та ўғил болалар мактаби, 21 та мадраса, 35 та корхона мавжуд бўлган. Шаҳар атрофидаги фабрика ва заводлар бўлган.

Шаҳарда йирик монументал ёдгорликлар, мадрасалар мавжуд эди. Биринчи ёдгорликлар пишиқ ғиштдан, гумбази эса бирлашган ёпмалар билан қурилган, уларнинг тарҳи тўғрилиги билан ажралиб туради. Яъни кириш қисми, масжид, дарсхона ва хужраларнинг ҳовли атрофида жойлашиши.

Янада кўпроқ фронтал очилган айвонлар марказий қисмида кайвонли айвонлар ишлатилган. Ҳовли марказида ҳовуз жойлаштирилган.

Қадимги маҳаллий шаҳарларга яқин жойларда янги рус шаҳарлари қурилган. Ўша вақтларда мусулмон шаҳарлари рус қурувчилари диққатларидан ташқари эди. Эски шаҳарлар ободонлаштирилмаган. Фақатгина зиндонлар йўқ қилиниши ва эски шаҳарлар марказларини янгиларининг чегаралари билан бирлаштирувчи кенг кўчалар солганини ҳисобга олмаганда.

Рус қурилиши техникаси усуллари XX аср бошларида гуллаб бошлади. Эски шаҳарларда ҳам янгидан турар-жой бинолари ва квартал масжиди қурилиши бошланган. Аммо бу даврда миллий руҳдаги масжид мадрасалар қурилиши ҳали ўз аҳамиятини йўқотмаган эди. Мадраса олий диний мактаб бўлиб, бир вақтда устозлар ва талабалар яшаш жойи бўлиб ҳисобланган.

Мадрасанинг пештоқи жимжимадор қилиб безатилган. Яшаш хонаси ҳисобланган хужралар 1- ва 2-қаватларининг олдида доимо тоқчалижой бўлган. Жанубга қаратилган пеш айвон хонани ёзда қуёш иссиғидан сақлаган. Хона кичик деразалар орқали ёритилган. Мадрасада талабалар ёзда куннинг катта қисмини, одатда балконда ва ҳовлида ўтказишган. Ёзда хужралар иссиқ ва дим бўлган. Шунга қарамасдан икки тарафда ойнаси бор, шамоллатиб туриладиган хужраларда ёзда яшаш нисбатан мумкин бўлган. Одатда, хужралар бир томондан ёритилган. Тарздаги деворда кичкина, паст 1,5 – 1,6 метрли эшик бўлган, устида пештоқли ойна бўлган. Ойна панжара билан ёпилган. Хужра икки қисмга бўлинган: олди тараф иш учун ва тоза тарафи поли кўтарилган шаклида. Поллар ғиштли, олди тарафда калиш оёқ кийими учун жой ва тешикли мармар доскага ўхшаган сув нави (оқава сувлар

керамик трубалар билан ҳовли марказидаги ютувчи қудуққа оқиб борган), ва ёқилғи ёқиладиган, овқатланадиган жойлар жойлашган.

Тоза тараф. (бўш тараф) биринчи иш қисмидан ғиштли ва каркасли парда девор билан ажратилган. Бу парда деворда икки табақали эшик мавжуд бўлиб, у ингичка геометрик катта чорқирра панжарадан ишланган. Олдида равоқли катта ойнаси ҳам бўлган. Тоза тарафининг баланд поли қалин ўрама гилам билан ёпилган. У ерда сандал бўлган. Сандал ғиштли бўлиб, унга ўчоқдан кўмир ташланган.

Хонани сандалнинг ўзи исита олмаган ва қишда хона деворларида кўрпа тўшак, сандиқ, идишлар ва шу кабилар учун катта ва кичик жойлар бўлган. Майда жисмлар учун ганчдан тоқчалар ишланган. Хужранинг бадиий беағи ганчдан ўймакорлик ва наққошлик билан ишланган. Кўпинча, айниқса Бухорода, агарда хужра биринчи қаватда жойлашган бўлса, пол ердан 0,5-1,0 метр баландликда бўлган ва тахтадан қилинган. 1- ва 2-қават хужраларида енгил тўсинлар устида шифт қилинган. Шу тариқа унинг устида хона пайдо бўлган ва бу хона ишчи қурол, ўтин учун омбор вазифасини ўтаган. Хужралар катта бўлмаган турар жой кўринишида бўлган.

Чорсу майдони қаршисида, бошқа архитектуравий иншоот – мадрасажойлашган. У машҳур усто Мулло Қирғиз номи билан боғлиқ. Ҳозирда бу ерда Наманган минтақашунослик музейи жойлашган. Худди шу кўчадан бир оз узоқроқда яна бир тарихий ёдгорлик – Ота Валихон Тўра масжиди бор. У ҳам Мулло Қирғиз томонидан қурилган.

Қадимий Чорсу майдони эски Наманганнинг режалаштирилган жамоавий маркази ҳисобланади, унга ҳам Чорсу кўчасининг 4 та магистрал кўчаси туташган.

Мулло Қирғиз мадрасаси XX аср бошларида шаҳар марказида қурилган.

Уста Қирғиз усталиги билан маҳаллий халқ орасида катта ҳурматга сазовор бўлган. Унинг ижодидан бўлган – Мадраса Мулло Қирғиз Фарғона архитектурасига хос бўлган девор элементларини ўзида сақлаб қолган,

анъанавий бўлмаган индивидуал лойихавий ечим сифатида мақтовга сазовордир.

3.3. Қўқон шаҳри реконструкция зонаси учун кам қаватли бино қуриш намуналари бўйича таклифлар.

Анъанавий уйларнинг меъморий хусусиятлари шуниси билан эътиборга моликки, кўпгина устиворлик масалалари бу уйларда осон ва содда ҳал қилинади. Масалан, уйларнинг асосий юк кўтарувчи деворлари қўш синчдан қилинади, яъни асосий бинонинг қовурғаси устун ва тўсинлардан ташкил топган. Бунда албатта уй бурчагидаги асосий устунларга бурчак харилар қоқиб чиқилади. Бурчак хариларнинг устиворлик аҳамияти жуда катта бўлиб, каттиқ зилзила вақтида ҳам бинони ушлаб қолади, синчлар қийшайиб қолган тақдирда ҳам босиб қолмайди. Бунга 1966 йидда Тошкентда бўлган зилзила вақтида амин бўлишган. "Синч уйим-тинч уйим", деган халқ мақоллари бежиз айтилмаган. Шу билан бир вақтда қўш синч девор уйларнинг ёзда салқин, қишда иссиқ бўлишига олиб келган. Синч деворларнинг орасидаги ҳаво қатлами энг яхши тўсиқ сифатида хизмат қилади, яъни иссиқни ҳам, совуқни ҳам яхши ушлаб қолади.

Синч деворларга боғлиқ бўлган фойдали жиҳатлар бу билан тугамайди. Синч деворлар орасидаги бўшлиқ кўпинча токча ва косамонлар билан тўлдирилади. Уй тўрига кўрпалар тахлаш учун тахмон қилинади. Токча ва майда токча, косамонларга асбоб, анжом, идиш-товоқ, барча майда буюмлар жо қилинган, токчаларга чиройли ишланган қутилар қўйилган. Бундан ташқари синч орасига - уйнинг даҳлизига ўчоқ ва мўрилар жойлаштирилган. Ўз навбатида улар уйни иситиш, ҳаво алмаштириш вазифасини ҳам ўтаган. Баъзи ҳолларда ўчоқлар безакдор қилиб ишланиб, уйга кўрк бериб турган.

Бундан ташқари синч деворли уйлар орасига қишки ошхоналарни жойлаштиришган, бундай ҳолатда синч девор бироз кенгрок қилинган, яъни

1,2-1,4 метрга кенгайган. Синч деворларнинг кенлиги асосан 0,4 метрдан 1 метргача бўлган.

Демак, синч деворларнинг ўзигина қуйидаги масалаларни осон ҳал қилган ва содда, аниқ ечимларни юзага келтирган:

1. Бинонинг устиворлигини
2. Иссиқ, совуққа чидамлилиқ
3. Токча ва тахмонни жойлаштириш
4. Қишки ошхона ўрнини аниқлаш
5. Ўчоқ-мўрини жойлаштириш
- б. Қути - сандиқ учун жой
7. Юқори қаватга кўтарилиш учун зина ўрнини белгилаш

Уйларнинг пойдеворлари эса қалинлиги ва чуқурлиги, бино ўлчамларига мутаносиблиги билан ажралиб турган. Агар бино бир қаватли бўлса, уйнинг пойдеворининг қалинлиги - эни 1-1,5 газ олинган. (1 газ Фарғона ва Тошкентда 83 см., Хўжанд ва Жиззахда 70 см., Самарканд ва Қаттақўрғонда 90 см) . Бинонинг баландлиги ошган сайин пойдевор ўлчами ҳам ошиб борган. Бунда ғишт шундай терилганки, пойдеворга сув намлик тушмаган. Икки қаватли қилиб қурилган биноларда пойдевор асосан ернинг устида бўлган. Иккинчи қаватни ғишtdан қилинган кўтармалар кўтариб турган. Бақувват тўсинлар бу ғишт кўтармаларни боғлаб турган.

Шу нарса эътиборга лойиқки, баъзи ҳолларда ернинг устида тош терилиб, ёғочдан арча ётқизилган ва бевосита арчанинг устидан синч-чўп кўтаришган. Бунда бинонинг бирор бурчаги иттифоқо чўкканда ҳам бинога таъсир қилмаган, чунки арча икки тошга таяниб турганда бинони кўтариб тура олган.

Аввало, қурилиш учун тупроғи қаттиқ, зич, мустаҳкам замин танлаган. Танлаган ер майдони эса қандай шаклда бўлишидан қатъий назар ҳовли албатта чорси, яъни тўртбурчак шаклига олиб келинган. Бунда номутаносиб

жойлар тарх билан банд қилиниб, доим тўртбурчак (олти ва саққиз бурчак) ҳовлилар қилинган.

Уйга улуғвор ва байрамона тус бериш учун усталар кўпинча пойдеворни баланд қилиб кўтариб чиқишган, ҳосил бўлган ярим қават баландликда одатда омборхона, аравахона солинган. Деворнинг қалинлигини белгиловчи омил пойдевор бўлган, яъни деворнинг қалинлиги пойдеворнинг энидан ҳамма вақт кичик олинган. Иккинчи қаватнинг девор қалинлиги одатда биринчи қаватникидан юқароқ олинган. Худди шунингдек, бу усул кейинги қаватда ҳам такрорланган. Уйнинг ёғочдан қилинган унсурлари - тўсин устунлар бир-бирига қоқилмай кийгазилган.

Зилзила вақтида бу устиворлик ечими бус-бутун бўлиб, кимирласа ҳам, анча катта тебранишларни ютиб, муқим ҳолатини сақлаган. Бунда анъанавий уйларда ишлатиладиган зардеворнинг аҳамияти катта бўлган, уйнинг вассаларини ярим ой қилиб ишлатилгани ёмон ҳавонинг том орқали чиқиб кетиши учун мўлжалланган. Яна бир аҳамият берадиган жиҳати шуки, тўсинлар юпка бўлиб, хонада у қатъий тоқ сонда бўлиши шарт бўлган. Бу ҳолатда хонадаги кишининг ўзини эътиборга олганда, яна жуфтликка эришилган. Томнинг ҳал қилиниши ҳам оддий бўлиб, бунда текис томлар қилинган, яъни тўсин, васса, бўйра лой, шабба, тупроқ қаватидан кейин яхшилаб сомонли лой билан сувалган ва ҳар икки, уч йилда сувоқ қилиб турилган. Хоналарнинг сатҳи эса оддий мусулмон ғишт билан қопланиб чиқилган. Баъзи ҳолда ернинг ўзи қолдирилиб, сувоқ берилган, ва похол ташланиб, гилам ёки шолча билан ёпилгандан сўнг қулайликка эришилган.

Уй қуруқ туриши учун хона таги кавланиб қум кўмилган. Бу эса хонанинг ёзда исиб, қишда иссиқлик узатади. Баъзи ҳолда эса, мана шу қум тўлдирилган каналлар сув тўлдирилган чуқурга бориб уланган ва табиий ҳаво ҳаракати сув салқинини уй ичига ёйиб турган.

Масалан, Воҳид Алининг 1843-1846 йилда тузилган "Илм матлаби ва созлов билимлари тўплами" ("Матлаа ул улум ва мажма ун фунун") китобида

жуда кўп қимматли қурилишга оид фикрлар берилган. Китобнинг 31-бобида кўпгина меъморчилик қоидалари келтирилган. Усталар шу китобдан бошқа меъморчилик санъати ҳақидаги китоблардан фойдаланилган. Бинони қуришдан олдин лойиҳа қилинган. Бунда тарх (план), тарз (фасад), мусаввада (қурилиш харажатлари акс этган тарх) чизмалари тархкаш уста ёки таррох, муҳандис (инженер) ва меъмор томонидан ишлаб чиқилган.

Хоналарнинг узунлиги - қад деб, эни - бар деб аталган ва ўлчамлар газ-узунлик бирлигида берилган (1 газ - 83 см.). Тарх эса тушунтириш хати билан тўлдирилган. Уста Маҳмуд Норкўзиев меъмор наққош сифатида халқ усталарининг ижодий услубларини ўрганиб, ижодларининг баъзи хусусиятлари ўз фаолиятида кўп ишлатилган ва (1.45) жуда катта мерос қолдиришган.

Турар-жойлар қурилишида ҳам ўзига хослик мавжуд эди. Яъни улар қиёфасида шариат қонун-қоидалари чуқур соя ташлаб туради. Хотин-қизларнинг номаҳрам нигоҳига тушмаслигини назарда тутиб, уйларнинг ҳовлилари кўча томондан мутлақо кўринмайдиган қилиб қурилган. Бу жиҳатни биз Бухоро уйларида ҳам кўришимиз мумкин. Демак барча деразалар ҳовли томонга қаратилган. Хом ғишт ва гуваладан тикланган уй ва деворлар эски шаҳар кўчаларига ўзига хос манзара бахш этиб туради. Бундай уйларда узоқ ва жазирама иссиқ ёз кунларини ўтказиш учун меъморлар қулай режалар ўйлаб топишга ҳаракат қилишган. Бу каби режаларда ёзда ва қишда фойдаланиладиган уйларнинг паст-баландликларидаги мутаносиблик, маҳаллий қурилиш ашёларининг қўлланилиши ва бошқалар ҳисобга олинган. Яна бир Фарғона водийси турар-жойларидаги характерли хусусият пеш айвонли уйларнинг жануб томонга қаратиб қурилганлигидадир.

Фарғона водийси актив сейсмик зонада жойлашганлиги туфайли уйлар чўпқори усулида қурилган. Кўш қатор қилиб терилган синчлар деворнинг энли бўлишини таъминлаган. Деворлар қалин бўлганлиги учун турар-уйларнинг ички қисмидан тоқча ва таҳмонлар ишланган. Сандақ қурилмаси

орқали уйлар иситилган. Шунингдек уй ичидан синчлар орасига қурилган мўрилик тошўчоқдан ҳам уйни иситишда фойдаланилган.

III боб бўйича хулоса.

Қўқон шаҳри бош режасини Андижон ва Наманган бош режалари билан таққослаш қуйидаги хулосаларни келтириб чиқарди:

- Мустақилликга эришганимиздан сўнг Фарғона водийси шаҳарларининг шаҳарсозлик нуқтаи назаридан энг аҳамиятли нуқтасида тарихий ва жамоат марказлари белгиланди;

- Барча шаҳарларда ижтимоий инфратузилма ривожлантирилди ва комплекс тарзда ечилди, шунингдек инженерлик тармоқлар замонавий талаблар асосида қайтадан ишлаб чиқилди;

- Шаҳар транспорт тизими тубдан янгиланди. Автомобий йўллари ва чорраҳалар реконструкция қилиниб кенгайтирилди, кенг 4-6 қатор йўлли кўчалар барпо этилди;

- Фарғона водийси шаҳарларини қайта реконструкция қилиш жараёнида тарихийлик ва замонавийлик уйғун тарзда ривожлантирилди;

- Қўқоннинг янги шаҳри Скобелев ва Розенбаховский номли бир-бирига перпендикуляр тарзда жойлашган кўчалар орқали ривожланиб “Т”-симон шаклдаги структурага эга бўлган, бу кўчалар бўйлаб объектлар чизиқли тарзда жойлаштирилган;

- Фарғона водийсида турар-жой уйлари ҳам ўзига хос тарзда ривожланган. Турар-жой хоналарининг олди очиқ ёки ёпиқ айвон билан тўсилган, ундан даҳлизга ўтилган, ўчоқбоши ва мўри худди шу даҳлизда жойлашган, деворлар токчали, товадонли, шифтга болорлар устидан вассажуфт қилинган, деворлар сиртига гул-нақшлар ишланган.

Умумий хулосалар.

- XIX аср охири ва XX аср бошларида кўпгина бошқа йирик, Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар каби Фарғона водийси шаҳарлари ҳам “икки структура”ли кўринишга эга бўла бошлаган. Яъни улар “эски” ва “янги” қисмларга ажратилган;

- XIX аср охирида Фарғона водийсида темир йўл ўтказилиши натижасида шаҳарларда ривожланиш жонлана бошлаган;

- Қўқон шаҳрининг шаҳарсозлик нуқтаи назаридан типологик ривожланиши 7 босқичда бўлган;

- Фарғона водийси актив сейсмик зонада жойлашганлиги туфайли уйлар чўпқори усулида қурилган. Қўш қатор қилиб терилган синчлар деворнинг энли бўлишини таъминлаган.

- Мустақилликга эришганимиздан сўнг Фарғона водийси шаҳарларининг шаҳарсозлик нуқтаи назаридан энг аҳамиятли нуқтасида тарихий ва жамоат марказлари белгиланди. Шунингдек шаҳарнинг марказий қисмида, яъни марказий майдонлар ҳисобланмиш ўрда, чорсу, озодлик қисмларида зоналаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ерда болалар ва ёшлар учун алоҳида зона, спорт иншоотлари учун алоҳида, шу билан бирга аҳоли дам олиши учун кўкаламзорлаштирилган зоналар ва бошқалар ажратилди;

- Қўқоннинг янги шаҳри Скобелев ва Розенбаховский кўчалари орқали чизиқли тарзида ривожланиб “Т”-симон шаклдаги структурага эга бўлган. Чуст шаҳри ҳам “Т”-симон структурада ривожланган бўлиб, унинг Қўқон шаҳридан фарқи олдиндан режалаштирилганлигидадир;

- XX аср бошларида Андижон шаҳрининг эски ва янги қисмларини кенг бульвар ва темир йўл ажратиб турган;

- Шаҳарларнинг марказий кўчалари кесишган жойларда қизиқарли архитектура ансамбллари қад ростлаган. Улар тарҳда бурчакли, “Т”-симон ва бошқа шаклларда лойиҳаланган.

- XIX аср охири ва XX аср бошларида Фарғона водийси шаҳарлари шаҳарсозлик нуқтаи назаридан уч хил типда лойиҳалаштирилган: биринчиси, янги рус шаҳарлари эски шаҳарлар қисмида ривожлантирилган; иккинчиси, тўғри бурчакли-трапециясимон структурали янги шаҳарлар; учинчиси, радиал-ҳалқасимон лойиҳалаштирилган шаҳарлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида.-Т., “Ўзбекистон”, 1997.
2. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т., “Шарқ”, 1998
3. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интиломқда.-Т., “Ўзбекистон”, 2000.
4. Ислом Каримов. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш-барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳиятимизнинг пировард мақсадидир.-Т., “Ўзбекистон”, 2007.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: 2008.
6. Азимов И. Архитектурные памятники Ферганской долины. – Ташкент, 1982.
7. Азимов И.М. Архитектура Узбекистана XVIII – нач. XX вв. (традиции и локальные особенности). Автореф. дисс. на соиск. уч.степени докт.архит. – Москва, 2000.
8. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи.-Т.:1995.
9. Аҳмедов Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари. -Т.: 1991.
- 10.Булатов М.С. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX-XV вв. – М., 1979.
- 11.Воронина В.Л. Традиции в архитектуре Средней Азии // Архитектурное наследство. -1978. №26.
- 12.Всеобщая история архитектуры. Т. VIII, Архитектура стран Средиземноморья, Африки и Азии VI-XIX вв.- М.: 1969.
- 13.Засыпкин Б.Н. Архитектурные памятники Средней Азии. -М.: 1928.
- 14.Захидов П.Ш. Основы канона гармонии в архитектуре. Ташкент, 1982.
- 15.Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами.- Т.: 1996.
- 16.Қодирова Т.Ф. Архитектура Советского Узбекистана. -М.:1987.

17. Кадырова Т.Ф. Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX-начала XXI вв. (традиции и современность). Т., 2007
18. Qodirova T.F. O'zbekiston iqtisodiyatining taraqqiyyatida me'morlikning o'rnini o'zlashtirish. O'quv qo'llanma. T., 2010.
19. Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. -М.: 1950.
20. Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX-начало XX в.). -Т.: 1980.
21. Нозилов Д. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. -Т.: 2005.
22. Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана (XIX – начало XX вв.). Ташкент. 1988.
23. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. -Т.: 1958.
24. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. -М.: 1965.
25. Pougatchenkova G.A. Chefs – d'oeuvre d'architecture de L'Asie Centrale XIV – XV siecle. Paris, 1981.
26. Пугаченкова Г.А. Очиқ осмон остидаги музей. -Т.: 1981.
27. Пугаченкова Г.А. Средняя Азия. Справочник-путеводитель. – М., 1983.
28. Пўлатов Х.Ш. Архитектура ва шаҳарсозлик тарихи. Ўрта Осиё архитектураси тарихи.-Т.: 2000.
29. Пўлатов Х.Ш. Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари. Ўқув қўлланма. -Т.: 2003.
30. Ўролов А.С., Саидов И.М. Ўрта Осиё меъморий ёдгорликлари-Ватанимиз тарихини ўрганишнинг моддий манбалари.-Самарқанд, 2009.
31. Ўролов А.С. Меъморий шакллари уйғунлаштириш ва безаш. – Самарқанд: 2003.
32. Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси. Т., 2006.
33. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-12-жилдлар. –Т.: 2000-2006.

- 34.** Ўзбек Совет энциклопедияси. 1-14-жилдлар. –Т.: 1971-1980.
- 35.** Умняков И.И. Архитектурные памятники Средней Азии. -Т.: 1929.
- 36.** Хашимов М. Религиозные и духовные памятники Центральной Азии.
–Алматы: 2001.
- 37.** Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома.
- 38.** Шишкин В.А. Города Узбекистана. -Т.: 1943.
- 39.** ШНК 2.07.01-03* «Шахар ва кишлок аҳолии пунклари худудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш».
- 40.** Юсупова М. Полвека трансформации архитектуры Узбекистана. На примере «новых городов» Ферганской долины конца XIX – начала XX в., Ташкент, 2005.